

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ  
МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ҳимояга рухсат  
Кафедра мудири  
З.М.Отақўзиева**

**2017- йил “    ”**

**Почта алоқасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва  
ривожлантириш истиқболлари  
мавзусида**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

|                           |                         |
|---------------------------|-------------------------|
| <b>Битирувчи</b>          | <b>М.М.Миржамолов</b>   |
| <b>Илмий раҳбар</b>       | <b>Р.Ф.Худойбердиев</b> |
| <b>Такризчи</b>           | <b>З.З.Қосимов</b>      |
| <b>ҲФХваЭ      бўйича</b> | <b>Ҳ.А.Сатторов</b>     |
| <b>маслаҳатчи</b>         |                         |

**ТОШКЕНТ – 2017**

Ушбу битирув малакавий ишда Почта алоқасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилган. “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолиятининг кенгайтиришда тадбиркорлик фаолиятининг таҳлили кўриб чиқилган.

|                                                                                                        |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш                                                                                                  | 6  |
| <b>I-БОБ. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг назарий ҳуқуқий асослари</b>                        | 9  |
| 1.1 Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти       | 9  |
| 1.2 Бугунги кунда Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти                           | 26 |
| <b>II-БОБ. Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш истиқболлари</b> | 37 |
| 2.1 Почта алоқаси корхоналарига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси             | 37 |
| 2.2 Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик фаолияти ривожлантириш                                      | 52 |
| <b>III-БОБ. Почта алоқаси корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари</b>          | 56 |
| 3.1 Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш                           | 56 |
| 3.2 Ўзбекистон почтаси АЖ негизида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар    | 64 |
| <b>IV.БОБ. Хаёт фаолияти хавфсизлиги. экология</b>                                                     | 71 |
| 4.1 Алоқа корхоналарида зарарли моддалар ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари                       | 71 |
| 4.2 Алоқа корхоналарида ёнғинга қарши профилактика ишлари                                              | 75 |
| Хулоса                                                                                                 | 81 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати                                                                       | 85 |

## Кириш

Мавзунинг долзарблиги. 2016 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинган бўлиб унга асосан **2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди.** Ҳаракатлар стратегиясининг учунчи бўлимида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва **хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш**, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби йўналишларни ривожлантириш кўзда тутилган.

Кичик тадбиркорлик субъектлари мослашувчанлик хусусияти туфайли тез орада фаолият йўналишини ўзгартира олади. Катта компаниялар миллионлаб маҳсулот ишлаб чиқариб, тўсатдан бошланган инқироз туфайли сота олмаслиги мумкин. Хусусий тадбиркорлик вакиллари табиийки, бундай вазиятларда осон ечим топадилар. Бу билан айтиш мумкинки, ҳар қандай

иқтисодий танглик шароитидан чиқиб кетиш, хусусий тармоқнинг қандай ривожланганлиги билан баҳоланади. Ҳозирда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда ва уларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида микромолиялаш хизматлари кенгайтирилмоқда. Шунга қарамай, ҳамон хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласи долзарблигича қолмоқда. Шу сабабли, кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби, ажратиладиган кредитларнинг амалий таҳлили ва улардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш зарурдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади, почта алоқаси корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда мавжуд турларини ривожлантириш қолаверса молиявий субъектларнинг бу борадаги хатти-ҳаракатларини ўрганиш ва қўшимча тавсиялар беришдан иборатдир. Шу билан бирга

Ўзбекистон почтаси АЖга тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида чет эл сармоялар оқими кенгайтириши муносабати билан, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларини самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари, инвестиция фаолиятини давлат тартиблаши кўпроқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳибларини инвестиция фаолиятига кенгроқ жалб этилишига ҳамда бу борада уларни рағбатлантиришга қаратилади.

**Ишнинг мақсади.** Алоқа корхоналарининг рақобатбардошлик стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари бўйича “Ўзбекистон почтаси” АЖ

мисолида жорий ҳолатни ўрганиш ҳамда ривожлантиришни белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти;
- бугунги кунда Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти;
- Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик фаолияти ривожлантириш;
- почта алоқаси корхоналарига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси;
- Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш;
- Ўзбекистон почтаси АЖ негизида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар.

**Тадқиқот объекти** сифатида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва унинг таркибидаги филиаллари олинган.

**Тадқиқот предмети.** Почта алоқасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари бўйича алоқаси корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тадқиқотнинг предмети саналади.

## **I-БОБ. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг назарий ҳуқуқий асослари**

### **1.1 Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти**

Бугунги кунда Республикамида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, 2016 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев **«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонунни имзолади. Қонун 2016 йил 6 декабрда Қонунчилик Палатаси томонидан қабул қилинган ва 13 декабрда Сенат томонидан маъқулланган эди. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга, «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга, Ўзбекистон Бюджет кодексига ўзгартиш, қўшимча ва тўлдиришлар киритилди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодийни эркинлаштириш ва глобаллашув йўлидан бораётган жараёнда янгича фаолият олиб бориш ва янгича фикрлаш услубларини талаб этмоқда. Бозор иқтисодиёти ҳаётимизда тобора кенгроқ кўлам олаётган шароитда хусусий тадбиркорлик соҳасида таълим олаётган мутахассислар кўп қиррали билимга

эга, чуқур мулоҳаза ва мушоҳада асосида фаолият олиб боришда кодир, ўз ишини пухта эгаллаган мутахассис бўлиши шарт. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби ўта мураккаб ва нозик соҳада банд бўлган амалиётчиларга жуда юқори талаблар қўйилади. Негаки мавжуд ҳолатлардан мақбул даражада фойдаланиш, ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ўсишига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг молиявий маблағларини максималлаштиришда ҳамда уларни маблағлар билан таъминлашда ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, иқтисодий жихатдан турли хулосалар чиқариш уларнинг тўғри ва асосли эканлигини исботлаб бера олиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари давлат мулкни хусусийлаштириш соҳасидаги Қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кузда тутди.

Республика иқтисодиётининг жадал эркинлаштирилиши хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантириш, иқтисодиётда унинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш учун асос яратади.

Шулар қаторида янги Қонуний ва меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиниши, жумладан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида, иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича асосий устиворликларнинг тизимли асосда асалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 5 октябрь куни "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий

мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади.

Мазкур фармон Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

Жумладан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиншини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланади.

Шунингдек, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади.

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига қуйидаги асосий ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди:

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

- тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

- қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

- давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш харажатларини камайтириш, масофавий назоратни кенг жорий этиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни таъминлайдиган солиқ маъмурчилиги сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш;

- республиканинг экспорт салоҳияти ўсишини, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишни ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солишнинг ва валюталар курси сиёсатининг илғор бозор механизмларини жорий этиш;

- тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширишларни тайинлаш ва ўтказишнинг аниқ ҳуқуқий асослари ҳамда

мезонларини назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш;

- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва қонунга итоаткор тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолияти кафолатларининг асосий механизмларидан бири сифатида аудиторлик ташкилотлари ва солиқ маслаҳатчилари кўрсатаётган хизматлар сифати ва тақдим этаётган хулосаларининг ҳаққонийлиги учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, давлат органлари томонидан тижорат банклари фаолиятига, биринчи навбатда, кредит сиёсатиға маъмурий аралашувларнинг олдини олиш ва уларға йўл қўймаслик;

- банкнинг самарали фаолият кўрсатишиға тўсқинлик қилувчи ғовларни тугатиш, шунингдек, мижозларнинг ўз пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқи тўлиқ рўёбға чиқарилишини таъминлашға йўналтирилган тақлифлар киритадилар.

Енда қисқача тадбиркорликнинг шаклланиши ва ривожланиш тарихи изоҳ бериб ўцак. Барча янги мустакил давлатларда ислохотлардан олдинги даврда мулкчиликнинг давлат шакли устунлик қилган. Хўжаликнинг давлат секторида меҳнаткашлар умумий сонининг 4/5 қисми, кооперативларда 14-15% (булардан яримидан қупи қолхозларда), хусусий секторда 3%ға яқини банд бўлган. Саксонинчи йилларнинг иккинчи яримида хўжаликнинг кооператив секторини яратиш ижарани ривожлантиришға ҳаракат Қилинган. Бу ҳаракат бозор инфратузилмасини ривожланмаганлиги давлат

мулкчилигининг ҳукмронлиги, хўжалик юритишнинг янгича шакллари  
 давлат секторига қарамлиги, хўжалик Қонунларининг ноаниқлиги ва бир  
 қатор сабаблар туфайли натижасиз бўлган

### 1.1.1 жадвал. Тадбиркорлик классификацияси

| Характерли белгилари               | Элементлари             |
|------------------------------------|-------------------------|
| Мулк шакли                         | Хусусий                 |
|                                    | Давлат                  |
| Қонунийлиги                        | Қонуний                 |
|                                    | Ноқонуний               |
|                                    | Ёлғон                   |
| Худудий қамрови                    |                         |
| Ҳар хил ҳудудларда тарқалиши       | Маҳаллий                |
|                                    | Минтақавий              |
|                                    | Миллий                  |
|                                    | Халқаро                 |
|                                    | Жаҳон                   |
| Иштирокчилар (таъсисчилар) сони    | Якка<br>Жамоа           |
| Таъсисчилар таркиби                | Аёлларники              |
|                                    | Ёшларники               |
| Ходимлар сони ва айланиш ҳажми     | Кичик<br>Ўрта<br>Йирик  |
| Ўсиш мароми ва фойдалилик даражаси | Тез ўсувчи              |
|                                    | Секин ривожланувчи      |
|                                    | Юқори рентабелли        |
|                                    | Паст рентабелли         |
| Янгиликлардан фойдаланиш даражаси  | Инновацион<br>Анъанавий |

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислохотларнинг етакчи буғинидир. Хусусийлаштириш натижасида демократик жамиятнинг ижтимоий заминини ташкил қилувчи хусусий мулкчилик катлами шаклланиб боради.

Иқтисодиёт фанида тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар ХВБББ асрда Р. Контильон, А. Тюрго, Ф. Кене, А. Смит ва Ж.Б.

Сеи асарларида амалга оширила бошланди. Бироқ хозирга кадар жамоатчилик фикрида “тадбиркорлик” тушунчасининг кўп маънолилиги сакланиб колмокда. Илмий адабиётда ушбу тушунча ҳақида купинча бу фавкулодда ходисанинг иқтисодий, ташкилий ва рухий тавсифлари (турли-туман карашлар) тўплашидан иборат хар хил тасаввурлар мавжуд.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини куп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боглик бўлган.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг мухим аломати бирон бир шахс-тадбиркор фаолиятининг фойдали ёки зарарлигини белгиловчи ноаниклик омили хисобланган. Тадбиркорликнинг ижтимоий - иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф орасида мувозанат урнатишга доир таккомиллик фаолиятидан иборат деб тан олинган.

Кейинчалик “сармоя эгаси” ва “Тадбиркор” тушунчалари бир-биридан фарклана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юритишни, купайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сармоядор, яъни жалб қилинган молиявий маблағларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга уз гоёлари, билими ва куникмаларини татбик қилиб, куп фойда олиш мақсадида уша маблағларни таваккали ишларга сарфлайди.

Ўзбекистонда ва МДХда бизнес ҳақидаги маколалар, адабиётлар 60-йилларнинг урталарида пайдо бўлди. Хусусий мулкчилик эса уша даврда бизнинг мафкўрамиз учун бутунлай ёд нарсa эди. Лекин бизда бизнесни фан тарикасида ўрганиш факатгина 90-йилларнинг бошларида бозор муносабатларига аста-секин утиш билан бошланади.

“Бизнес” - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошкacha сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Хорижий адабиётларда бизнес таърифини кўп турлари мавжуддир. Инсон жамиятининг бутун ривожланиш тарихи у ёки бу жихатдан доимо бизнес билан боғлиқ бўлган.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи мартаба Англия иқтисодиетида XVIII асрда пайдо бўлиб, у “Мулк эгаси” деган маънони билдиради. Жумладан, Адам Смит тадбиркорни мулк эгаси сифатида таърифлаб, уни фойда олиш учун Қандайдир тижорат гоёсини амалга ошириш мақсадида иқтисодий таваккалчиликка борадиган кишидир, - деб таъкидлайди. Тадбиркорни узи, уз ишини режалаштиради, ишлаб чиқаришни ташкил этади, маҳсулотни сотади ва олган даромадига узи хужайинлик қилади.

Бизнес- бу аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш, иқтисодий фаолият ва муносабатлар, ҳаётни узи сунгра эса пул ишлаш демакдир. Бизнес- бу хорижий суздир. У бутун дунё буйича тарқалгандир, ундан барча мамлакатларда фойдаланидилар. Ўзбек тилида эса бизнес сўзи тадбиркорлик, бизнесмен эса тадбиркор демакдир. Ўзбекча суз хорижий сузга тугри келади, лекин унга Қўшимча маъно ҳам беради. Бу сузларни ортида “иш” яъни иш билан шугулланиш еки корхона ташкил қилиш этади. Шундай қилиб, бизнес - бу корхона ташкил қилиш демакдир (саноат корхонаси, савдо дукони, хизмат кўрсатиш корхонаси, аудиторлик контораси, адвокат идораси, банк ва х.к.). Демак, биз бу йўқ нарсадан пул қилиш эмас, балки мураккаб ишлаб чиқаришни еки хизмат кўрсатишни ташкил этиш демакдир. Тадбиркорлик - бу доимо уз ишининг фидоийси, билимдонидир. Тадбиркорлик учун уқиш керак, нафакат дастлабки пайтларда, балки тадбиркор бир умир уқиши, изланишда бўлиши керак.

Тадбиркор нималарни билиши ва қилиши керак? У энг аввало, тадбиркорлик фаолиятини Қандай амалга оширишни, Қандай шароитда амалий ҳаракат қилишни, тадбиркор олдида учрайдиган тусикларни ҳал

килиш юллари ва Қандай ютукларга эришишни билиши керак. Тадбиркор - ишлаб чиқаришни ташкил этишни, ҳамда маҳсулотни сотишни билиши керак. У бозор муносабатлари шароитида юзага келадиган аниқ шароитларни баҳолашни ва тугри юл танлашни билиши керак. Хеч ким, хеч қачон тадбиркорга нима қилишни ургатмай ва огир пайтдларда ёрдамга келмайди. Хар бир тадбиркор фақат уз қучига, билимига ва заковатига ишониши ва суяниши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини акциядорлик мулки шаклида ҳам, жамоа мулки шаклида ҳам, хусусий (якка) мулк шаклида ҳам амалга ошириш мумкин. Бирок акциядорлик мулки шакли ва жамоа мулки шакли доирасида уни ташаббус кўрсатиш, Қарорлар Қабул қилиш ва уз фаолияти учун жавобгарлик масалаларида ходимлар ва менежерларга хусусий мулк эгаси имкониятлари қанчалик даражада берилишига боғлиқ равишда амалга ошириш мумкин.

Савдо, маиший хизмат, маҳаллий саноат, ижтимоий соҳалар қорхоналарини давлатникидан хусусийга айлантириш жараёни анча қийин утди. Бу ерда аввал хусусийлаштириш йириклаштирилган ишлаб чиқариш бўлимлари бўйича бажарилди, уларнинг заминида очик турдаги хиссадорлик жамиятлари тузилди.

Аммо ҳаёт бу жамиятларни қичиклаштиришни тақазо қилади, шу мақсадда унга қирувчи айрим тарқибий биргаликларга қатта мустақиллик берилди. Натижада Ўзбексавдо, Ўзмаишийиттифоқ, Ўзбекбирлашув қаби тармоқлар бўйича 13 мингга яқин хусусий қорхоналар ташкил этилди.

1995 йилдан то ҳозирги давргача қичик ва хусусий қорхоналар ташкил қилишга энг қатта аҳамият берилди. Ижтимоий юналтирилган бозор иқтисодиетига утиш даврига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Қаримов таъқидлаб утганидек, "...Қишлоқ жойларида ихчам ишлаб чиқариш қорхоналари ташкил этиш, қичик ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантиришни рағбатлантириш хисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устивор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ва “Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасидаги Қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий тармоқни жадал ривожлантиришни кузда тутди.

Фармонлар мамлакатимиз Президенти Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир” маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Маърузада асосий стратегик вазифамиз- демократик Қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида самарали, босқичма-босқич ва изчил бориш эканлиги таъкидланган эди. Шунингдек, ушбу маърузада 2005 йилда иқтисодий ислохатларни амалга оширишнинг энг муҳим устивор вазифалари этиб Қуйидагилар кўрсатилган:

-асосий устивор масала – аввалгидек, бозор ислохатларини чуқурлаштириш ва янада эркинлаштиришдан иборат;

-иккинчи устивор масала- хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши купайишини таъминлаш;

-учинчи устивор масала – кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва қўламини кенгайтиришдан иборат;

---

1.Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиет кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон 1997. -221 б

-тўртинчи устивор масала- банк ва молия тизимларидаги ислохатларни чуқурлаштириш;

-принципиал муҳим масала- солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш.

Демак тадбиркорликни ривожлантиришни энг асосий буғуни бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади.

### **Чет элларда тадбиркорликни қўллаб-қувватланиши.**

Бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибаларига суянган холда, тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунда 1999 йилнинг 14 апрелда Олий Мажлис томонидан Қабул Қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мисол қилиб кўрсаца бўлади. Эркин рақобатга тобора кенг имкон яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлар уртасида бўладиган иқтисодий ҳуқуқий муносабатларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида ушбу қонун муҳим аҳамият касб этади.

Хуш, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланган давлатларда қандай эътироф этилади ва унинг моҳияти нимадан иборат?

АҚШда 500 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона бўлиб ҳисобланади. Германия ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида эса, 300 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхоналарнинг иккита тамоман ўзгача турларга бўлиш мумкин:

- ҳаётни таъминловчи корхоналар;
- тез усувчи корхоналар.

Одатда кичик корхоналарнинг қарийиб 80-90 фоизи ута кичик бўлиб, улар усиш учун чекланган имкониятларга эга. Бундай корхоналар ҳаётни

таъминловчи корхоналар деб юритилади. Ушбу турдаги корхоналарга консултация хизмат кўрсатувчи фирмалар, тор доирада ихтисослашган дуконлар, кафе ва шу кабилар киради. Улардаги ходимлар тулик булмаган иш кунига эга бўлиб, фирма манзиллари сифатида тадбиркорлар уз уйларида фойдаланадилар. Хаётни таъминловчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, унинг эгаси етарли турмуш даражасини таъминлаш мақсадида ташкил этади.

Иккинчи турдаги корхоналар тез усувчи корхоналар деб номланади. Уларнинг бундай номланишига сабаб, улранинг мақсади тезрок кичик бизнес чегарасидан чикиб ривожланишдир. Тез усувчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, улар тезкор усиш тенденциясига ва куйилган сармоянинг юкори кайтимлигига ҳисобланади. Одатда, бундай туркум корхоналарга бир неча киши раҳбарлик килади. Тез усувчи корхоналар йирик инвестиция манбаларига тез якинлаша оладилар ва бунинг натижасини кенг бозорда янги товарлар ва хизматларини киритиш имконига эга бўладилар.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига бир катор омиллар таъсир кўрсатади. Булар куйидагилардир.

1) Корхоналарни йириклашуви тенденциясининг пасайиши. АҚШда якин 15-20 йил ичида корхоналарнинг йириклашуви тенденцияси пасаяди. Бу асосан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги силжишлар билан боглик. Албатта, бу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият масштабини унча кенгайтириш имкони пастлиги билан белгиланади. Хозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналар йирик рақобатчиларга нисбатан айрим юмушларини самарали ташкил кила олмокдалар. Бу биринчи навбатда бошқариш тизимининг соддалиги ва ихчамлиги билан богликдир.

2) Аёллар иш кучининг иктисодга кириб келиши.

80-йилларнинг узидагина 2 млн. Аёллар уз иш жойларини очдилар. Хозир АҚШ да 4-5 корхона аёлларга тегишли бўлиб, улар мамлакатдаги жаъми кичик

корхоналарнинг 30 фоизини ташкил этади. Бу тенденция давом эца.ю 2000 йилга бориб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аеллар ва эркаклар сони тенглашади.

### 3) Йирик ишлаб чиқаришда ходимларни қисқариши.

Бу айрим жихатдан демографик омиллар билан боғлиқ. Жумладан “демографик портлаш” даврида тугилганлар ҳозирги 30-40 ешга, яъни уз ишини мустақил бошлаш вақтига етдилар. Бундан ташқари, йирик корхоналарда иш урни учун кўраш, бутун ходимларнинг қисқарилиши бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

4) Янги корхоналар очиш суръатининг ортиши. АҚШда ҳар йили уртача 200 мингга яқин аҳоли узининг фирмасини очади. Уларнинг ярмидан купи 20 минг доллардан кам оборот билан уз фаолиятиларини бошлайдилар. Уларнинг қариб 75 фоизини уз фирмаларида 50 соат ишлайдилар, 25 фоизи эса, 70 соат ва ундан ортик ишлайдилар. Қарийб 2/3 қисми янги бизнесни бошловчилар янги ёки бошлатган компаниялар ҳисобланадилар. Яъни, улар амалда ишлатган корхоналарни сотиб олмаганлигидан узлари хусусий бизнесни бошлайдилар. Уларнинг 80 фоизидан ортиги уз ишларини ута самарали гоани эмас балки оддий ишларни тартибли хал қилиш билан боқлайдилар.

Демак, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига таъсир этувчи омилларни умумийлаштирсак, улар қуйидагилардан иборат:

- корхоналар йириклашуви тенденциясининг пасайиши:
- аёллар иш қучининг иқтисодиётга қириб қелиши;
- йирик ишлаб чиқаришда ходимларнинг қисқариши:
- янги корхоналарни очиш суръатининг ортиши ва бошқалардир.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиетига хос иқтисодий фаолиятдир. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш

буйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятidir. **“Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”.

Тадбиркорликнинг моҳияти қуйидагилар орқали янада ойдинлашади:

Биринчидан, тадбиркорликнинг субъекти ким бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ балогат ешига етган ҳар бир фуқаро ўз мулки асосида ёки мулк эгасининг ваколати асосида ўз ихтиёр этган Қонунга зид бўлмаган фаолият тури билан шугулланиши мумкин.

Иккинчидан, юқоридаги таърифда тадбиркорликнинг яна бир томони мазмуни ифода этилган бўлиб, у мазмунан бой, хилма хил қуринишига эга. Тадбиркорлик фаолиятини танлаш, уни ташкил этиш ва ривожлантириш моҳият жиҳатидан давлат, жамият аҳамиятига молик иш бўлмасдан, балки эркин танланадиган фаолиятдир.

Тадбиркорлик фаолиятининг уч тури ва унга мос равишда тадбиркорларнинг 3 гуруҳини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1) янги товар ёки хизмат лойиҳасини ташкил этиш. Тадбиркорликнинг бу тури билан интеллектуал мулк эгалари инновация тадбиркорлари шугулланади.

2) товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шугулланувчи тадбиркорлар.

3) товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шугулланувчи тадбиркорлар.

Учинчидан, мақсад жихатидан тадбиркорликнинг икки турини:

а) фойда олишни, иқтисодий самарага эришишни мақсад килган;

б) ижтимоий самарага (масалан, табиат муҳофазаси, ёш авлод тарбияси, соғлиқни сақлаш) эришишни мақсад килган турларини ажратиш мумкин.

Тадбиркорларга хос хусусиятлар куйидагилардан иборат:

1. Шугулланаётган соҳа бўйича илм, билимга эгаллиги.

2. Таваккалчиликка асосланган қарорлар қабул қилиш бўйича ташаббускорлик қобилияти.

3. Иқтисодий жараёнларни чуқур фикрлай олиш.

4. Қонунларга итоаткорлиги.

5. Инновациячиликнинг фаоллиги.

6. Мақсад сари интилувчанлик.

7. Ташкилотчилик.

8. Тежамкор бўлиши.

9. Уз сўзининг устидан чиқиш.

10. Рухий поклик ва ҳалоллиги.

11. Уз жамоаси учун кўрашувчанлик.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидаги шарт-шароитлар талаб этилади:

1. Мулк муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиети шароитида мулк муносабатлар уч жихат билан белгиланади: -

➤ эгалик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тула ҳуқуқдорлик қилиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;

➤ фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тўлов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;

➤ оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресурсларни таксимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш ҳуқуқини жорий этиш.

2. Тадбиркорларга уз қобилиятини тула намоён этиш учун қуйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши.

➤ маҳсулот ассортиментини турларини аҳоли ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

➤ ҳамкорликларнинг мустақил танлаш;

➤ маблағларни қонунга зид бўлмаган соҳаларга мустақил сарфлаш эркинлиги ва ҳ.к.;

3. Бозорнинг очиклиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш қучи, ҳам аҳоли ҳаракати учун сунъий қўяларнинг юқлиги.

4. Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги.

Бунга қуйидагилар қиради:

➤ тижорат банклари;

➤ товар, фонд, меҳнат, валюта биржалари;

➤ тижорат таваккалчилиги ва мулк суғуртаси;

➤ маълумот ва реклама манбалари, оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари;

➤ эксперт бюрolari, сертификат марказлари, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва ҳ.к.

5. Тадбиркорлик учун ҳуқуқий қафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни ҳимояловчи Қонунчиликнинг мавжудлиги.

6. Янги қўрхоналарга кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қўйиш билан: хусусий тадбиркорлик, кичик ва

урта бизнесни ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолияти соҳасига кредит ресурсларини кенг жалб қилиш ва хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун макбул шароит яратиш мақсадида;

Кичик тадбиркорлик субъектлари қуйдагича белгиланган:

- мулк шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш, илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 100 нафардан, кичик тадбиркорлик корхоналари бўлиб ҳисобланади;

- мулк шаклидан қатъий назар бошқа корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларини сони 100 нафардан ошган тадбиркорлик корхоналари йирик корхоналар ҳисобланадилар.

Ҳозирда тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасига хорижий сармояларни олиб кириш учун микрофирмалар, кичик корхоналар ва корхоналар ташкил этилиб, макбул шароитлар яратилмоқда.

## **1.2 Бугунги кунда Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;

- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Давлат дастури доирасида тижорат банкларининг барча филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди, банкларнинг мунтазам янгилаб туриладиган веб-сайт ва порталлари орқали кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларига ахборот хизмати кўрсатиш тизими кенгайтирилди.

Яратилган шароит ва имтиёзлар натижасида тижорат банклари томонидан мазкур соҳа вакилларига кўрсатилаётган хизматлар кўлами ошиб бормокда.

Почта алоқаси соҳаси бугунги кунда кўрсатилаётган почта хизматлари орқали аҳолининг ушбу соҳага бўлган еҳтиёжларини сифатли даражада қондирмокда. Ўзбекистон почтаси АЖ бугунги кунда универсал почта хизматларини кўрсатиб келмокда. Республика ҳудудида қуйидаги почта хизматлари кўрсатилади:

- почта алоқаси соҳасида универсал хизматлар кўрсатиш;
- почта алоқаси тармоғини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;
- Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида, шаҳар ва туман йўналишларида алмашув частоталарининг нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- магистрал йўналишларда, жумладан халқаро йўналишларда барча турдаги почта жўнатмаларининг йўналиш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Республика ҳудудида почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини ишлаб чиқиш;
- почта алоқаси универсал хизматларига тарифларни, почта алоқаси масалалари бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасига киритиш;
- келувчи ва жўнатиловчи халқаро почта жўнатмаларининг ҳолатини мунтазам таҳлил қилиш;

- почта алоқаси филиаллари ва объектларининг эксплуатациясига оид фаолиятини, пул маблағларининг ҳаракатини назорат қилиш;
- ички ва халқаро почта жўнатмаларини авиация, темирйўл ва автомобил транспортларида ташишни ташкил етиш;
- почта жўнатмалари ва пул маблағларининг бутлигини таъминлаш ҳамда ҳисобга олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- жўнатиловчи, келувчи ва транзит халқаро почта жўнатмаларининг божхона;
- текширувидан ўтказишни таъминлаш;
- почта тўловининг давлат белгиларига (почта маркалари, маркаланган почта конвертлари, открыткалари ва маркаланган почта варақчалари) Ўзбекистон Республикаси махсус почта тамғаларига бўлган еҳтиёжни аниқлаш, уларни чиқаришнинг тематик режаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- почта тўлови давлат белгилари андозаларини ишлаб чиқиш, Бадиий Кенгаш билан келишилгандан кейин уларни босиб чиқариш учун тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси почта тўлови давлат белгиларини, махсус почта штампларини тайёрлаш учун буюртмаларни шакллантириш ва жойлаштириш, уларни етказиб бериш;
- почта тўлови давлат белгиларининг босма асл нусхаларини тасдиқланган андозага мувофиқлигини назорат қилиш ва экспертиза қилиш, кейинчалик белгиланган тартибда босма асл нусхаларини сақлаш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида почта тўлови давлат белгиларининг, филателия (маркаланган ва маркаланмаган) маҳсулотларни почта алоқаси объектлари, фирма савдо нуқталари, бошқа савдо ташкилотлари ва жамоат тарқатувчилари орқали сотиш;

- Маркаланган ва маркаланмаган маҳсулотни (почта конвертларини, почта варақчаларини, табрик сувенирларини) тайёрлаш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларни тайёрлаш учун буюртмаларни жойлаштириш, уларнинг экспедицияси;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ҳудудидан ташқарисида маркаланган ва маркаланмаган ҳамда филателия маҳсулотларини (почта алоқаси объектларида уларни сотувдан олингандан кейин махсус чиқарилган почта маркалари, почта тўловининг ҳисобдан чиқарилган белгилари, кляссерлар, каталоглар ва бошқалар) сотувини ташкил қилиш;
- филателия кўргазмалари ва ярмаркаларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- почта тўлови белгилари учун филателия абонементини ташкил қилиш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш;
- Ўзбекистон Республикаси мустақилликка еришган кундан бошлаб чиқарилган ҳар бир почта маркаси бўйича почта тўлови белгиларининг архив заҳирасини тузиш;
- Ўзбекистон Республикаси почта маркалари каталогларига бўлган талабни аниқлаш, уларни чиқариш, кўпайтириш, етказиб бериш ва сотиш;
- почта тўлови давлат белгиси ва филателия маҳсулотларига нархларнинг
  - нархномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
  - франкирлаш машиналарини ишлаб чиқариш учун буюртмани шакллантириш ва жойлаштириш;
  - почта тўлови давлат белгилари ва филателия маҳсулотларини асслигини аниқлаш мақсадида уларни экспертизадан ўтказиш;
  - Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси хизматларининг маркетингини ташкил қилиш;

- почта алоқаси бўлимлари, махсус киоскалар орқали Республика ва хорижий давлатларнинг даврий ҳамда нодаврий нашрларининг обуна ва чакана савдосини ташкил қилиш, обуна нархларини белгилаш, Республика ва хорижий нашрлар обуна каталогларини чиқариш;
- газета, журнал ва китобларнинг экспорти;
- давлат пенсиялари ва нафақаларини етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш бўйича почта алоқаси филиаллари ва объектларининг ишларини ташкил етиш;
- почта варақчаларини (оддий, буюртмали ва қиймати еълон қилинган), хатларни (оддий, буюртмали ва қиймати еълон қилинган), суд чақирув қогъозларини (оддий, буюртмали) қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш;
- бандеролларни (оддий, буюртмали ва қиймати еълон қилинган) қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш;
- посилокларни (оддий, қиймати еълон қилинган) қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш ва етказиб бериш;
- телеграммаларни қабул қилиш, узатиш ва етказиб бериш;
- аҳолидан барча турдаги тўловларни қабул қилиш ва бу суммаларни тегишли юридик шахсларнинг ҳисоб рақамига ўтказиш;
- курьерлик хизматини кўрсатиш - хатлар, бандероллар, посилоклар, ўтказмалар, ҳисоб варағи - квитансиялар, журналларга адабий иловаларни жойларда қабул қилиш ва манзил бўйича етказиб бериш, даврий нашрларга обуна қабул қилиш ва чакана савдо орқали тарқатиш, барча турдаги тўловларни ва бошқа хизматларни қабул қилиш;
- почта жўнатмалари ва телеграммаларни топшириш тўғрисида хабарномаларни жўнатиш;

- почта ва телеграф жўнатмаларини қидириш, почта ва телеграф жўнатмалари олувчисининг манзили тўғрисида маълумотларни манзил бюросида йигиш;
- бандероллар ва посилкаларни сақлаш, ўраш ва қайта ўраш, узок муддатли ишончномаларни сақлаш;
- фойдаланувчиларнинг кутиларидан фойдаланиш;
- почта алоқаси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш;
- Жамиятнинг филиаллари ва почта алоқаси объектларида мавжуд бўлиши керак бўлган номли буюмларнинг рўйхатини белгилаш;
- номли буюмларни ишлаб чиқариш учун буюртмаларни шакллантириш ва жойлаштириш;
- откриткалар, бланкалар, таклифномалар, таклиф варақчалари (визитка) тайёрлаш, филиаллар ва почта алоқаси объектларини улар билан таъминлаш;
- Республикада олиб борилаётган сиёсатга зид бўлмаган турли хил китоблар, брошюралар, канцелярия маҳсулотлари савдоси билан шугъулланиш;
- шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари бўйича хизматлар кўрсатиш ҳамда тўловларини қабул қилиш;
- телефон, телеграф, телефакс ва телекс алоқаси хизматлари кўрсатиш;
- замонавий почта ускуналарини, почта жўнатмаларини қабул қилиш, сақлаш, саралаш ва елтиб беришнинг етакчи технологияларини тадбиқ етиш, почта алоқаси ташкилотларида маҳаллий ва хорижий тажрибани оммавийлаштириш;
- почта алоқаси объектларида почта жўнатмаларини ўтиш муддатларини назорат қилишни ташкил етиш ва амалга ошириш;

- почта алоқасини ташкил етиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, аҳоли, ташкилотлар ва давлат еҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, почта алоқаси хизматларининг бозор конъюнктурасини ўрганиш, почта алоқасининг сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш;
- почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларини амалга ошириш бўйича ишларда иштирок етиш, почта алоқасини такомиллаштириш бўйича илмий-техник тараққиёт ютуқларини ва жаҳон тажрибасини тармоққа тадбиқ етиш бўйича таклифларни тайёрлаш;
- замонавий лойиҳалар бўйича почта алоқаси объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуришда илмий-техник сиёсатни белгилаш ва олиб бориш;
- почта алоқаси муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича ишларни амалга ошириш;
- манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда почта алоқаси соҳасида хизматларни кўрсатиш қоидаларини келгусида белгиланган тартибда тасдиқлаш ва рўйхатга олиш учун ишлаб чиқиш;
- расмий қабуллар, республика ва халқаро аҳамиятдаги турли тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш, почта алоқаси ходимларини амалий ўқитиш ва тажриба орттириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;
- мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъий назар барча корхоналарда почта алоқасини ташкил етиш ва амалга ошириш масалаларида услубий ёрдам кўрсатиш;
- почта ва телекоммуникация соҳасида янги молия-тижорат тузилмасини тузишда иштирок етиш;
- коммунал тўловларни қабул қилиш;

➤ почта алоқаси соҳасида реклама-нашриёт фаолиятини амалга ошириш, почта алоқаси корхоналарига ва ташкилотларига реклама маҳсулотларини чиқаришда кўмаклашиш;

➤ тематик конференциялар, семинарлар, кенгашларни ўтказиш, ихтисослаштирилган кўргазмалар, почта алоқаси воситаларининг кўргазма савдосини ташкил етишда иштирок етиш.

### **Хорижий давлатлар билан почта алоқаси соҳасидаги фаолиятлар:**

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб- китобларни таъминлаш мақсадларида келувчи, жўнатиловчи ва транзит халқаро почта жўнатмаларини қайд етишни амалга ошириш;

халқаро почта алоқаси бўйича кўрсатилган хизматлар учун хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан Жамиятнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун келувчи посилкаларга тарифларнинг ҳисоб-китоб улушини белгилаш;

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан қабул қилинган ва тўланган пул ўтказмалари учун ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш;

хорижий мамлакатлар почта маъмуриятлари ва операторлари билан шартнома шартлари бажарилишини назорат қилиш;

Бутунжаҳон почта конвенсияси ва унинг ижроия Регламенти, Почта посилкалари тўғрисидаги келишув, давлатлараро келишувларда назарда тутилган мажбуриятларга мувофиқ халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш, қайта жўнатиш ва топширишни таъминлаш;

халқаро почта жўнатмаларини қабул қилишда, қайта жўнатишда ва елтиб беришда божхона қонун ҳужжатларига риоя қилиш бўйича чора-тадбирларни таъминлаш;

бошқа мамлакатлар почта маъмуриятлари билан почта маркаларини биргаликда чиқаришни ташкил етиш;

почта алоқаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

Ўзбекистон почтаси аксиядорлик жамияти аксиядорларининг 2016 йил 30 июндаги умумий йиғилишининг 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон почтаси” аксиядорлик жамиятининг уставида почта алоқаси соҳасининг тадбиркорлик йўналишида кўрсатиши мумкин бўлган хизматлари келтириб ўтилган. Унга асосан тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятларига қуйидагилар киради:

инновацияга оид фаолият, янги технологиялар ва материаллар, патентлар, лицензиялар, технологиялар, «ноу-хау» яратиш, ишлаб чиқиш, сотиб олиш, тадбир етиш;

матбуот киоскаларини олиб сотиш, ижарага бериш;

турли хил қурилиш материаллари, хом-ашёларини сотиш;

буюртмаларга асосан ташкилот, корхона ва муассасаларга турли хилдаги бинолар қуриб бериш, ижарага бериш ҳамда сотиш;

автомашиналар учун ёқилг'и қуйиш шаҳобчаларини очиш, ижарага бериш, сотиш;

Жамиятга тегишли бўлган транспорт воситаларини ижарага бериш, хизмат кўрсатиш, сотиш;

почта алоқаси объектларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш ва сақлаш, улар билан бошқа операцияларни ўтказиш;

ускуна ва мол-мулк лизинги, прокат ёки ижарага берилиши;

сармоядорлик фаолияти, шу жумладан турли хўжалик жамиятлари, компаниялар ва қўшма корхоналарда иштирок етиш;

конун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан рухсат етилган тижорат ва воситачилик фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисоб рақамларидаги бўш пул маблағларни қўшимча даромад олиш мақсадида депозитларга қўйиш;

хусусий ва ташқи савдо тармоғи орқали нақд пулга ва пул ўтказиш ҳисоб-китоби бўйича тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ҳамда бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларини улгуржи, майда улгуржи, чакана савдо орқали сотиш;

савдо-воситачилик фаолиятини ташкил етиш, маркетинг ва реклама хизматлари кўрсатиш;

ноширлик фаолияти;

полиграфия фаолияти;

глобал, локал ва ички компьютер тармоқлари коммуникация ҳамда алоқа воситалари, шу жумладан интернет соҳасида провайдерлик ва операторлик фаолияти;

радио, телефон, телевизор, компьютерларни таъмирлаш устандаларини очиш ҳамда уларни таъмирлаш;

юримдик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахсларга транспорт, кемада юк ташиш, експедиция, омборхона хизматларини кўрсатиш;

риелторлик фаолияти, кўчмас мулк объектлари, ускуналар ва мулкни сотиб олиш, експлуатация қилиш, ижарага бериш ва сотиш;

жисмоний ва юримдик шахсларга молиявий ёрдам кўрсатиш, заёмлар, ссудалар тақдим етиш (шу жумладан бегъараз ёрдам), хомийлик ва хайрия фаолияти;

автомобилларни таъмирлаш хизматини ташкил етиш ва амалга ошириш, автомобиллар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

лотереялар таъсис етиш, чоп етиш, сотиш ҳамда лотерея ва кўрик-танловларни ўтказиш;

ташқи иқтисодий фаолият (экспорт, импорт, толлинг) билан шугъулланиш;

туризм фаолияти;

улгуржи ва чакана савдо;

автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш;

божхона омборини таъсис етиш;

божсиз савдо дўконини таъсис етиш;

божхона режимида омборхона таъсис етиш - "еркин омборхона";

аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЕХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш;

корхоналарни ташкил қилиш, тижорат ташкилотларда ҳиссали иштирок етиш;

турли ташкилотлар фойдасига тўловларни қабул қилиш;

авиа – темир йўл чипталарини сотиш.

Жамият қонунчилиқ билан тақиқланмаган, шу жумладан Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Махсус рухсат (лицензия)ни талаб қиладиган фаолиятнинг алоҳида турлари билан Жамият фақат лицензияни олгандан сўнггина шугъулланишга ҳақлидир.

Юқорида кўриб ўтганимиздек почта алоқаси корхоналари тадбиркорлик соҳасида кўрсатиши мумкин бўлган бир қанча фаолиятлар келтириб ўтилган.

## **II-БОБ. Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини ривожлантириш истиқболлари**

### **2.1 Почта алоқаси корхоналарига тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси**

Бугунги кунда ҳар қайси соҳада иқтисодий ривожланган илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш ўз йўлини танлашда асосий аҳамият касб этади. Почта алоқаси ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги вақтда почта соҳаси жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бозор сегментининг асосий йирик қисмини ташкил этади. Чунки хизматлар номеклатурасининг кенглиги ва ривожланаётган инфратузилманинг имкониятлари улкандир. Республикамиз почта алоқаси соҳасига интерактив хизматлар сифатида янги хизматлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиб, янги хизмат турларини жорий этиш ҳамда хориж мамлакатлари ичида Ўзбекистон почта алоқаси соҳасида ўзининг салмоқли улушини белгилаб бериш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг бир қатор хизмат турларини кўриб чиқамиз.

Почта алоқаси соҳасида янгиланишларда технологияларнинг самараси алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти почта хизматларининг ҳам аҳамияти асло камайгани йўқ.

Бугунги кунда почта алоқаси соҳасида Европада жўнатмаларни етказиш соҳасида кескин рақобат кузатилмоқда. Чунки почта хизмати кўрсатувчи барча илғор компаниялар ўз тармоқларини бутун Европа бўйлаб ёйишга ҳаракат қилишяпти. Масалан, “Deutsche Post”га қарашли DHL компанияси Германиянинг ўзида ҳамда бошқа ён-атрофдаги давлатларда хусусий ва корпоратив мижозларга хизмат кўрсатувчи 15000 та маскан очди. “Роял Маил” компанияси эса яқин беш йил ичида бутун Европа бўйлаб жўнатмаларни юбориш ва қабул қилишга ихтисослашган 50-60 мингта почта маскани яратишни мўлжаллаб турибди. Германиянинг “Хермес” компанияси аллақачон бундай шахобчалардан 10 мингтасини ишга туширди. Шахобчаларда иш соатлари навбатчилик асосида ташкил қилинганлиги боис

мижозлар ўзлари учун қулай пайтларда (масалан, ишдан вақтиниг тугаганидан сўнг ҳам) почта бўлимларига кириб керакли хизматлардан фойдаланишга одатланишмоқда.

Почта алоқаси соҳасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланганлиги, албатта, биринчи галда мижозлар манфаатига хизмат қилмоқда — айти пайтда Европада почта хизматлари учун тарифлар олдингига нисбатан бирмунча пасайганлигини, хизматлар сифати эса, аксинча, ошганлигини кузатиш мумкин. Шунга қарамадан, юқорида мисол сифатида келтирилган мамлакатларнинг почта бозорида муқобил, яъни давлатга қарашли бўлмаган почта операторларининг улуши ҳозир ҳам унчалик юқори эмас. Масалан, Испанияда бу кўрсаткич 7-11, Нидерландия ва Швецияда 5-7, Дания ва Германияда 3-5 фоизни ташкил этади. Бу ҳолатни давлатга қарашли бўлмаган почта компанияларининг универсал почта хизматларини эътибордан соқит қилган ҳолда экспресс-етказиш ва курьерлик хизматлари, обуна нашрлари ва реклама, жўнатмаларни етказиш хизматларига асосий кучни сарфлаётганлари билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистонда мазкур хизмат турлари жорий этилиб юзага келган муаммолар бартараф этилмоқда.

Хориж тажрибасига назар соладиган бўлсак, бугунги кунга келиб почта йўналиши бозор сегментининг илғор йўналишлари сифатида қайд этилмоқда. Жумладан:

- ёзма хат-хабарларни қабул қилиш ва етказиб бериш бозори;
- посилкаларни қабул қилиш ва етказиб бериш бозори;
- курьерлик почта хизмати ва экспресс-почта хизмати;
- пенсия тўловларини тўлаш ва етказиб бериш бозори;
- пул ўтказмалари бозори;
- почта инфокоммуникацион хизматлари бозори;
- чакана савдо бозори
- кенгайтирилган муҳрлар бозори;
- юк ташиш ва етказиб бериш бозори;

- Логистика хизматлари;
- Тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятлар.

Кўриб турганимиздек, хорижда почта йўналиши бозор иқтисодиётининг ажралмас улкан қисмига айланиб улгурган.

Хусусан, почта хизматлари номеклатурасининг кенг қамровлиги, соф рақобат муҳитининг мавжудлиги, хизматлари сифатининг юқорилигива кафолатланганлиги, янги технологиялари билан таъминланганлиги, кадрлар малакасининг юқорилиги яққол кўзга ташланади. Почта алоқаси соҳасида хизматларидан олинган даромадлар ҳажмини ўстириш, аҳоли учун янги хизмат турларини жорий этиш, хизматлар сифатини ошириш яъни умумий хизматнинг самарадорлигини ошириш асосий иқтисодий мақсадлардан биридир. Бунинг учун хориж тажрибаси, фан ва техника ютуқларини, илғор технологияларни жорий қилиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш, моддий, меҳнат ва молия ресурсларини мақсадга мувофиқ ишлатиш, бошқариш тизимларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатишни қулай ташкил этиш ва режалаштиришда иқтисодий-математик усуллар ҳамда услубиётлардан, компьютерларни кенг қўллаш каби омиллардан унумли фойдаланиш зарур. Бунинг натижасида почта хизматларининг умумий самарадорлиги ортади. Қуйидаги 2.1.1 жадвалда хорижда ва мамлакатимизда мавжуд бўлган почта хизматлар турларини кўриб чиқамиз:

### **2.1.1-жадвал.**

#### **- Ўзбекистонда мавжуд почта хизматлари ва хориж тажрибаси**

| № | Ўзбекистонда мавжуд почта хизматлари            | Хорижда мазкур хизмат олиб борилиши фарқли томонлари                                                |
|---|-------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Бугунги кунда халқаро пул жўнатмаларини жўнатиш | Халқаро пул жўнатмалари Western Унион тизими орқали амалга оширилиб, қисқа вақт ичида тўланади. Пул |

|   |                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|   | ва айникса қабул қилишга талаб кучли                                                                                                                                                                                                                                        | маблағларини жўнатиш учун жўнатувчи<br>Вестерн Унион компаниясининг махсус<br>бланкаларини тўлдиради(барча<br>реквизитлар бўйича).Пул жўнатиш учун<br>тўлов Вестерн Унион компаниясининг<br>тарифлари бўйича жўнатувчидан тўлов<br>олинади, олган шахсдан тўлов олинмайди.<br>Бу хизмат ўзаро шартнома асосида бўлиб<br>икки тарафлар келишуви асосида ишлайди.<br>Янги ахборот технологиялари билан юқори<br>даражада таъминланганлик, тезкорлик,<br>молиявий барқарорлик ва сифатли хизмат<br>кўрсатиш асосий мақсадлардандир. |
| 2 | Электрон тўловларни қабул қилиш                                                                                                                                                                                                                                             | Электрон тўловларни онлайн<br>тизимда қабул қилиш, яъни мижоз унга<br>кулай бўлган жойда ва вақтда тўловларни<br>он-лайн тизимида амалга ошириш<br>имкониятига эга.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 3 | Коммунал тўловларини қабул қилиш                                                                                                                                                                                                                                            | Коммунал тўловларини қабул қилиш<br>асосан АБларда ҳамда ўз-ўзига хизмат<br>қилиш терминаллари ёрдамида амалга<br>оширилади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
| 4 | пенсия тўловларини тўлаш ва етказиб бериш бозори                                                                                                                                                                                                                            | пенсия тўловларини тўлаш ва етказиб<br>бериш бозори                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 5 | Интернет магазин химати<br>«Ўзбекистон почтаси»<br>АЖнинг «Интернет магазини»<br>орқали почта маркалари ва<br>филателистик маҳсулотларни<br>сотиш хизмати. 2011 йил<br>август ойидан «Тошкент<br>почтамти» филиалида<br>Интернет орқали курьерлик<br>хизматига буюртмаларни | Хорижда почта расмий сайти асосан<br>“онлайн шоппинг” тизимида фаолият<br>кўрсатиб, 6 та категория (улар: умумий<br>турдаги маҳсулотлар, СД/ДВД/ Китоблар,<br>Япония маданиятига оид маҳсулотлар,<br>товатлар/совғалар/уй жиҳозлари, кийим-<br>кечаклар, электроника/ хоббилар) бўйича<br>100 дан зиёд йирик ва кичик корхоналар<br>маҳсулот ва хизматларини интернет<br>орқали исталган мамлакатга воситачи                                                                                                                     |

|   |                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|   | қабул қилиш хизмати<br>фойдаланишга топширилган.                                                                                                   | сифатида сотиш ва етказиб бериш<br>хизматига асосий фаолиятини<br>йўналтирган, яъни бу ўз-ўзидан ҳам<br>давлатнинг иқтисодиётига, ҳам почта<br>хизматининг даромадлари ошишига улкан<br>ҳисса қўшади.<br><br>Интернет магазин (аҳоли истаган<br>товар ва хизматга почтанинг расмий сайти<br>орқали буюртма бериш ва харид қилиш<br>имконияти мавжуд)                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
| 6 | Суғурта полисини<br>етказиб бериш хизмати (2012<br>йил 21 декабрдаги<br>“Ўзбекистон почтаси” АЖ ва<br>“АЛСКОМ” СК билан қўшма<br>буйруғига асосан) | Хорижда почта алоқаси бир қатор<br>суғурта полисларини таклиф қилади:<br><br>Транспорт воситаларининг эгаси<br>масъулияти бўйича фуқаролик ихтиёрий<br>суғурталаш;<br><br>Фуқароларнинг иншоотлари,<br>квартиралари, хўжалик мол-мулкларини<br>суғурталаш;<br><br>Хусусий яшаш жойларни<br>суғурталаш;<br><br>Фуқароларнинг бахциз воқеа ва<br>касалликлардан индивидуал суғурталаш;<br><br>Кредит эгаларини бахциз воқеалар<br>ёки иш йўқотишдан суғурталаш;<br><br>Суғурта полисларини етказиб бериш<br>хизмати (аҳолида суғурта полислари ва<br>уларнинг турларини танлаш имконияти ва<br>соҳада соф рақобат муҳитининг<br>мавжудлиги хизматлар сифатини янада<br>ошириб бориш заруриятининг омили<br>бўлиб ҳисобланади) |
| 7 | Табриклар ва совғалар<br>жўнатиш мақсадида ушбу                                                                                                    | музыкали открыткалар(тарификация<br>жўнатманинг ўлчами ва жойига қараб<br>белгиланади.)                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |

|    |                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|    | хизмат тури жорий этиш мумкин.                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 8  | Республикамизда бу турдаги хизмат тури мавжуд эмас                                                                           | Медиа-почта— турли кўринишдаги кўшимча овозли ва визуал маълумотлар-графиклар, анимацияларни ўзида акс эттирган жўнатмаларни юбориш хизмати.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
| 9  | Мазкур хизмат турини жорий қилиш замон талабидир.                                                                            | Кутубхона-почта ( <i>Library mail</i> ) бу хизмат тури кенг тарқалган бўлиб асосан миждозларга уларнинг буюртмаларига асосан китоблар етказиб берилади. Яъни почта объектларидаги ҳамда расмий веб сайт каталогидаги китоблар, шунингдек каталогда бўлмаган китобларга ҳам кўшимча тўлов амалга оширган ҳолда буюртма бериш мумкин.                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
| 10 | Ушбу хизмат турини жорий этиш телекоммуникация бозорининг ҳар томонланма самарадорликка эриш истикболларини белгилаб беради. | <p>«СМС-хабарномаси»да рўйхатга олинган ички почта жўнатмаси, давлат ичидаги пул ўтказмаларининг келиб тушиши тўғрисида маълумотни жўнатувчи кўрсатган мобил рақамга СМС орқали хабар бериш хизмати кўшимча хизмат сифатида тақдим этилади. Унда: рўйхатга олинган ички почта жўнатмаси, ёки пул ўтказмаси номери;</p> <p>рўйхатга олинган ички почта жўнатмаси, ёки пул ўтказмаси қабул қилинганлиги;</p> <p>етиб келган сана ва жой номи (почта алоқаси объекти номланиши) тўғрисидаги маълумотлар бўлади.</p> <p>Ушбу хизмат буюртмаси учун «СМС-хабарнома» бланкаси мобил рақам кўрсатилган ҳолда тўлдирилади ва</p> |

|    |                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
|----|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|    |                                                                                                                                                                                      | қўшимча хизмат учун тўлов амалга оширилади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| 11 | АКТга асосланган ушбу хизмат турлари ёрдамида mijozларнинг саводхонлиги ошиб, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи ўсиши кафолатланади.                                                 | <b>Тўловларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш орқали терминалларда тўлаш</b> -бугунги кунда почта алоқаси бўлимларида бутун жаҳон бўйича хоҳлаган mijoz мобил алоқа, интернет провайдер, тижорат телевидениялари, электрон пул тизими ва бошқа хизматлари учун тўловларни амалга ошира оладилар. Замон талабига кўра, хориж мамлакатлари ушбу тўловларни терминаллар орқали ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тарзида амалга оширишмоқда. Мисол тариқасида, Россия почта алоқаси бўлимларида ҳозирги кунда 2000 га яқин ўз-ўзига хизмат кўрматиш терминаллари мавжуд. |
| 12 | Тарифлар бўйича номенклатурага киритилиши таклиф қилинади.                                                                                                                           | 1- класс жўнатмаси. Тарифга кўра белгиланади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 13 | Қўшимча хизмат турлари сифатида жорий этиш мақсадга мувофиқ                                                                                                                          | Божхона томонидан расмийлаштириш маълумотлари почта АБларида махсус сўровнома асосида олинади.<br>Почтоматлар                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 14 | Ўзбекистонда ушбу хизмат турини жорий қилиш ҳар бир томоннинг “Ўзбекистон почтаси” АЖ ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” даромади ошиши учун хизмат қилади. | Билетлар сотуви. Авиа ва темирйўл билетлари.<br>Бозор тенденциялари таҳлил қилинмоқда. Почта ўзининг аҳоли учун кенг масштабли авиа ва т/й чипталарини расмийлаштириш АБлар электрон тармоқлари орқали релизация қилиш хизматини жорий қилишда давом этмоқда. Ушбу фаолиятда авиа ва т/й чипталари                                                                                                                                                                                                                                                    |

|    |                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |
|----|--------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|    |                                                                                      | <p>сотуви Агентлиги асосий ҳамкордир, мижозларга юқори геграфик маршрутларда таклиф қилинади.</p> <p>Асосий мақсад- аҳолига максимал даражада қулайлик яратиш, шу жумладан, пичталар хариди учун узоқ масофалардан келувчи чекка районлардаги аҳоли учун.</p>                                                                                  |
| 15 | Шартнома асосида даромадни ошириш имконияти                                          | Тадбирлар, концерт, цирк, театр ва мусобақаларга билетлар сотувини амалга ошириш.(шартнома асосида)                                                                                                                                                                                                                                            |
| 16 | Мижозларни қўллаб-қувватлаш ва уларга мотивация бериш доимий мижозларни кўпайтиради. | <p>Махсус акциялар, яъни мижозларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида доимий мижозларга:</p> <p>“Дунёнинг исталган нуқтасига бонусли кўнғирок” акцияси “Почтада коммунал тўлов” акцияси</p> <p>“Почта ёрдами” благотворительная акция</p>                                                                                    |
| 17 | Ушбу хизмат тури қўшимча хизмат тури сифатида жорий этилиши тавсия этилади.          | <p>«Мультиконверт» – бу товар жойлаштирилган оддий почта жўнатмаси. У ички почта алмашинувида қўлланилади ва фақатгина давлат ҳудуди ичида амалга оширилади.Сувенир</p> <p>маҳсулотлар(брелоклар, магнитлар ва бошқалар)Маҳсулотларини реклама намуналари(духи, кремларининг пробниклари ва бошқалар)Пластик картлар</p> <p>СД/ДВД дисклар</p> |
| 18 | Лотереяларни сотиш ва тақатиш                                                        | лотереялар реализацияси- тиражсиз, тиражли ва он-лине лотереялар                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 19 | Мамлакатимизда ушбу программа каби дастурлар ишлаб чиқилса, мижозлар                 | ”Севимли мижоз”(“Любимый клиент”) программасига уланиб тўпланган балларни совғаларга алмаштириш мумкин.                                                                                                                                                                                                                                        |

|    |                                                                                                                                                                                                                                  |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|    | ўртасида қизиқишлар ошиб<br>хизматлардан олинган<br>даромадлар ҳажми ошади.                                                                                                                                                      | Бунда истеъмолилар ушбу программанинг<br>имтиёзларидан максимум даражада<br>фойдалинишлари мумкин.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
| 20 | Республикамиз почта<br>алоқаси ушбу хизматни жорий<br>этишида рискни кўрамиз                                                                                                                                                     | Солиқли тўлов хизматида (Услуга<br>наложенный платеж) адресат жўнатмани<br>кабул қилган заҳотида тўлаш имконияти<br>берилади. Почта жўнатмаси суммасини<br>ҚҚС асосида тўлов амалга оширилади                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 21 | Мамлакатимиз бундай<br>хизмат турини тақдим<br>этмайди.                                                                                                                                                                          | Презентациялар билан ишлаш/бизнес<br>карорларин ишлаб чиқишни ўргатиш<br>курслари                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
| 22 | Болаларни ёшликданок<br>қўлёзмаларга қизиқиш ва<br>ўзгача руҳда тарбиялашнинг<br>ўзига хос усули бўлиб хизмат<br>қилади.                                                                                                         | Қорбободан табрик хатлари.<br>“Қорбободан табрикнома”- олдиндан<br>буюрммали жўнатма. Хизмат<br>буюртмасини исталган АБда амалга<br>ошириш мумкин.Шунингдек, совғаларни<br>ҳам эгаларига етказиб бериш имконияти<br>бор.                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 23 | Мамлакатимизда бундай<br>хизмат турини жорий этиш<br>давр талабидир. Чунки узоқ<br>жойлардаги абитуриентлар<br>харажатлари ва<br>транспортировка масалалари<br>бўйича қулайлик ва имконият<br>ва ишончли хизмат тақдим<br>этади. | Олий таълим муассасаларига<br>абитуриентларнинг ҳужжатларни<br>жўнатиш хизмати.<br><br>Шуни алоҳида таъкидлаш керакки,<br>ҳар бир абитуриент чегараланган ОТМга<br>ҳужжат топшириши мумкин. Ҳужжатлар<br>тўпламини қиймати эълон қилинган<br>буюртмали,далолатнома<br>расмийлаштирилиб(опись), олинганлиги<br>тўғрисидаги хабарномали жўнатиш лозим.<br><br>Бунга қиймати эълон қилинган хат,<br>қиймати эълон қилинган бандерол,<br>қиймати эълон қилинган посилка, 1-класс<br>қиймати эълон қилинган хат ва бандерол |
| 24 | Йирик корхоналар товар<br>ва хизматларини реализация                                                                                                                                                                             | Почта орқали Фотостудиялар<br>хизматининг асосий мақсади бутун ҳудуд                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |

|  |                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 |
|--|---------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | <p>қилишда бевосита иштирокчи сифатида Ўзбекистон почтасининг кенг имкониятлари мавжуд.</p> | <p>бўйича, чекка жойларда АБлар тармоқлари орқали фототовар маҳсулотларинг реализациясини таъминланади. Ҳар бир АБ да фото хизматларга буюртма бериш мумкин. Буюртмалар Кодак марказим сервис хизматига келиб тушади. Улар ҳар бир вилоятларда мавжуд. Почта транспортлари фотобуюртмаларни Сервис марказларига кунида бир неча бор ташийди. Мижоз аъло сифатли фотосурат олади. Масалан: Россияда 40 мингта АБ мавжуд. Фотостудия ҳар доим яқинда, почта транспорти соат каби юради. Энг кам муддатда буюртмалар таёйр бўлади. Бу жуда унумли лойиҳа, яъни Кодак ҳар бир мижоз билан тўғридан-тўғри ишлайди. Шу сабабли мижозлар энг қулай шараоитда фототоварларни сотиб олишлади ва фото хизматлардан фойдаланишланади ҳамда акцияларда иштирок этади.</p> <p>Почта- ягона технология асосида фотохизматни кўрсатувчи ягона организмдир.</p> |
|--|---------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Мамлакатимиз почта алоқаси муассасаларида 6761 етказиш участкалари, улардан 4215 таси қишлоқ жойларида ташкил этилган ва 35 та авиа, 2 та темир йўл, 530 та автомобиль маршрутлари ишлаб турибди. Яъни, бу почта хизматлари диверсификациясини кенгайтириш, янги ва қўшимча хизмат турларини ишлаб чиқиш, аҳолининг почта хизматларига бўлган эҳтиёжларини юқори даражада қондириш учун етарли бўлган почта маршрутлари мавжудлигини кўрсатади. Почта алоқаси тармоқларининг кенглиги улкан имкониятларини амалган оширишга ёрдам беради.

Почта алоқаси соҳаси миллий иқтисодиётдаги соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳанинг асосий вазифаси аҳоли ва иқтисодиётнинг почта алоқа хизматлари ва курьерлик хизматларига бўлган талабини қондиришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, миллий иқтисодиётдаги почта алоқаси инфратузилмаси чуқур кириб орган ва бутун мамлакатни қамраб олган кенг тармоқли маршрутлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг моҳиятини чуқур тушунган ҳолда ушбу имкониятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда ҳар бир корхонадан кам харажат талаб этадиган ва юқори даромад келтирадиган хизматларни кўрсатишни талаб этади. «Ўзбекистон почтаси» АЖ ҳам анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда тадбиркорлик фаолиятига доир хизматларни кўрсатиш имкониятига эга.

Булар:

савдо-воситачилик фаолиятини ташкил етиш, маркетинг ва реклама хизматлари кўрсатиш;

ноширлик фаолияти;

полиграфия фаолияти;

глобал, локал ва ички компьютер тармоқлари коммуникация ҳамда алоқа воситалари, шу жумладан интернет соҳасида провайдерлик ва операторлик фаолияти;

радио, телефон, телевизор, компьютерларни таъмирлаш устахоналарини очиш ҳамда уларни таъмирлаш;

юримдик ва жисмоний, шу жумладан хорижий шахсларга транспорт, кемада юк ташиш, экспедиция, омборхона хизматларини кўрсатиш;

риелторлик фаолияти, кўчмас мулк объектлари, ускуналар ва мулкни сотиб олиш, эксплуатация қилиш, ижарага бериш ва сотиш;

жисмоний ва юримдик шахсларга молиявий ёрдам кўрсатиш, заёмлар, ссудалар тақдим етиш (шу жумладан бегъараз ёрдам), хомийлик ва хайрия фаолияти;

автомобилларни таъмирлаш хизматини ташкил етиш ва амалга ошириш, автомобиллар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

лотереялар таъсис етиш, чоп етиш, сотиш ҳамда лотерея ва кўрик-танловларни ўтказиш;

ташқи иқтисодий фаолият (экспорт, импорт, толлинг) билан шугъулланиш;

туризм фаолияти;

улгуржи ва чакана савдо;

автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш;

божхона омборини таъсис етиш;

божсиз савдо дўконини таъсис етиш;

божхона режимида омборхона таъсис етиш - "еркин омборхона";

аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЕХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш;

корхоналарни ташкил қилиш, тижорат ташкилотларда ҳиссали иштирок етиш;

турли ташкилотлар фойдасига тўловларни қабул қилиш;

авиа – темир йўл чипталарини сотиш.

Жамият қонунчилиги билан тақиқланмаган, шу жумладан Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Почта хизматига хос бўлмаган фаолият йўналишларидан яна бири-мамлакат Ташқи ишлар ва савдо департаменти (ДФАТ) билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилганлиги бўлди. Австралияликлар хорижга чиқиш имконини берувчи паспортни қўлга киритиш учун суҳбатдан ўтмоқчи бўлишса, бевосита почта бўлимларига ташриф буюришади. Ҳозирда илк маротаба чет элга чиқаётганларнинг 85 фоизи ДФАТ номидан иш кўрувчи почта муассасаларида суҳбатдан ўтмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, Австралия почтаси ва ДФАТ мижозларнинг манзилларига оид маълумотларга аниқлик киритиш, паспортларни янгилашга

доир анкеталарни тарқатиш ҳамда паспортларни эгаларига етказиб бериш борасида ҳам ҳамкорлик қилади.

Австралия почтасининг мақсадли ижтимоий дастурларидан бири-болаларда таълим олишга қизиқиш уйғотиш, саводхонликнинг аҳамиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган. Масалан, корпорациянинг болаларга мўлжалланган веб-сайтида почтанинг тарихи ҳақида ҳикоя қилинади, хатни, манзилни тўғри ёзишга доир мисоллар келтирилади. Саводхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида болаларнинг Қорбобо (Санта Клаус)га бепул хат ёзишлари почта томонидан рағбатлантириб борилади. Ҳар йили почта ходимлари Санта Клаус “манзили”га келган ана шундай 120 мингдан зиёд мактубга жавоб ёзишади. Австралия почтаси саводхонлик миллий танлови ва болаларнинг фанга қизиқишларини рағбатлантирувчи дастур ҳомийси ҳамдир. Почта, шунингдек, медицина соҳасидаги илмий изланишларни молиявий қўллаб-қувватлайди. 2006 йили Афинада ўтказилган Олимпия ўйинларида мамлакат Олимпия терма жамоасининг ҳомийси ҳам Австралия почтаси эди. Ушбу ўйинларга тайёргарлик жараёнида болаларга ўз севимли спортчиларига мактуб йўллашларига имконият яратиш мақсадида Леттер Линк дастури ишга туширилди.

Австралия почтаси мунтазам равишда ўтказиб келинаётган нуфузли теннис мусобақаси – *Аустралиан Опен*нинг бош ҳомийси ҳисобланади. Шунингдек, ёшлар ўртасидаги кўпгина спорт тадбирлари ҳам мамлакат почта хизмати қўмагида ташкиллаштириляпти.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида ҳам почтанинг ҳиссаси беқиёс. Масалан, ушбу мамлакатда эски маркалар ҳеч қачон ташлаб юборилмайди, балки қайта ишлаш учун почта бўлимларига топширилади. Шунингдек, чоп этиш қурилмаларининг эскирган картрижлари ҳам қайта ишлашга топширилади. Масалан, 2006 йили 11,5 миллион дона Рождество ойна хати ҳамда 157 минг та картриж почта бўлимлари томонидан йиғиб олинди. Ойна хатлардан картон қутилар ясалса, картрижларнинг айрим

қисмларини яна ишлатиш мумкин, қолган қисмлари эса пластмассадан мебеллар ясашда хомашё вазифасини бажаради.

Ислохотлардан сўнг ҳам хатларни етказиб беришда монопол мавқеини сақлаб қолган компания даромад олишда юқори кўрсаткичларга эриша бошлади. 1999 йили компания давлат корпорациясига айлантирилгач, Ауторидаде Насионалде Сомунисаес (Анасом) мувофиқлаштирувчи органи тузилиб, хатларни етказиш хизматида давлат монополияси ўрнатилганди. Чунки Бразилияда компьютер ва электрон почтадан фойдаланишга аксарият одамларнинг қурби етмаслиги боис, почта орқали жўнатилаётган хатлар ва телеграммалар сони жуда кўп эди. Фақат 2009 йилдан бошлаб давлат монополияси бутунлай бекор қилинди ва бошқа почта операторларига ҳам ушбу йўналишда фаолият юритишга рухсат берилди.

Шунга қарамадан, “Сорреиос” асосий даромадни монопол ташкилот сифатида олган, деган янглиш фикрга бормаслик керак. Почта монополияси қисқартирилиб, мамлакат почта бозори эшиклари эркин рақобат учун очилиши билан, Бразилия почтаси учун ҳам янги имкониятларни ишга солиш фурсати келди. Жумладан, “Сорреиос” почта бўлимлари очиш учун франшизалар сотишни йўлга қўйди. Монополия кучга кирган пайтларда фаолиятдан деярли тўхтаган хусусий почта операторларининг яна “жонлангани” Бразилия почтасининг бунданда тезроқ ривожланишини тақозо қиларди.

2000 йили давлат банки-Бансодо Брасил билан ҳамкорликда Почта банки пилот лойиҳасини амалга оширишга киришдик. 2002 йил март ойидан 2004 йилнинг августига қадар мамлакатнинг барча почта бўлимларида банк хизматлари йўлга қўйилди. Бугунги кунда 4826 аҳоли маскани бу хизмат билан таъминланган бўлиб, БансоПостал (Почта банки)нинг мамлакат банк хизматлари бозоридаги улуши 5 фоиздан ошди. Мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичини ҳам ҳаётга жорий этишга киришдик, бунда почта-банк бўлимларининг франчайзинг тармоғини ривожлантириш кўзда тутилган.

2005 йилнинг август ойига қадар почта-банк бўлимларида 1,5 миллиондан зиёд янги ҳисоб-рақамлар очилди. Улар аҳолининг камбағал қатламларига мансуб одамларга тегишлидир. Почта банкининг ютуғи ҳамшунда, чунки мамлакатнинг бошқа банкларига қараганда буерда ўрнатилган тариф 50 фоизга камдир.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида ИБМ компанияси билан ҳамкорликда автоматлаштирилган тизимнинг жорий этилиши “Сорреиос” га юқоридаги вазифаларни амалга ошириш имконини берди. 23 ҳудудий почта идорасига ўрнатилган янги қурилма ёрдамида 70 мингдан зиёд миқозга хизмат кўрсатилиб, қунига компанияга келиб тушадиган 30 миллиондан ортиқ хатларга ишлов берилди бошланди.

Хорижий мамлакатларини почта алоқаси объектлари фаолиятини ўрганиш натижасида соҳани ривожланишини асосий йўналишлар ва олинган самарадорлик қўйидаги 2.1.2- жадвалдан қуриш мумкин.

#### 2.1.2-Жадвал

Хорижий мамлакатларини почта алоқаси объектлари фаолиятини асосий йўналишлар ва олинган самарадорлик


| № | Хорижда почта соҳасини ривожланиш йўналишлари                              | Олинаётган самарадорлик                                                                                                                     |
|---|----------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|   | Ахборот коммуникация технологиялари асосида янги хизмат турларини кўрсатиш | Почта алоқаси объектларини компьютер технологиялари билан тўлиқ жихозлашга ва ахборотлаштириш натижасида янги хизмат кўрсатишга эришилди    |
|   | Почта соҳаси энг йирик иш берувчи соҳа                                     | Мамлакатда ишсизлар сонини камайишига ва почта соҳаси нуфузини оширишга эришилди                                                            |
|   | Почта соҳаси катта молиявий манбаларга эга инвестор                        | Соҳадаги ислохотлар натижасида соҳа катта молиявий манбаларга эга бўлди ва мамлакатдаги бошқа соҳаларни ривожланишига амалий ёрдам бермоқда |

|  |                                                                                             |                                                                                                                                                                                                   |
|--|---------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|  | Почта алоқаси<br>объектлари томонидан<br>ижтимоий дастурларни<br>ташкил этиш                | Давлатнинг ижтимоий<br>вазифаларини бажаришга амалий<br>ёрддам берилмоқда                                                                                                                         |
|  | Почта соҳасида<br>маркетинг ва реклама<br>фаолияти, жумладан, директ-<br>маркетинг фаолияти | Бозор муносаботлари ва<br>механизмларини<br>ривожлантиришга замин<br>яратилмоқда                                                                                                                  |
|  | Почта соҳасида<br>инновацион жараёнлар                                                      | Иқтисодиёт усишга янги<br>ғоялар ва хизматлар билан<br>эришилмоқда                                                                                                                                |
|  | Почта бозорида кучли<br>рақобат муҳити                                                      | Хусусий секторни почта<br>бозоридаги фаолият кучли<br>рақобат муҳитини шакллантирди.<br>Бунинг натижасида соҳа миллий<br>иқтисодиётнинг барқарор<br>ривожланаётган соҳаларидан<br>бирига айланди. |
|  | Почта алоқаси<br>объектларида экспресс-эштиш<br>ва курьерлик хизматлари                     | Хизмат кўрсатиш ва сервис<br>соҳасини ривожланишига ижобий<br>таъсир кўрсатди.                                                                                                                    |
|  | Янги хизматлар билан<br>қаторда анъанавий<br>хизматларни ривожлантириш                      | Почта соҳасини нуфузи ва<br>хизмат турлари ортиб бормоқда                                                                                                                                         |

## 2.2 Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик фаолияти ривожлантириш

Тадбиркорлик фаолияти турлари хилма-хилдир. Фаолият мақсади, тури ва йўналишларига қараб тадбиркорлик фаолиятининг ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий ва консалтинг турларини ажратиш мумкин.

Қайд этилган ушбу тадбиркорлик фаолиятининг ҳар бир тури кичик турларга бўлинади. Мавжуд тадбиркорлик фаолияти турларини чизма шаклида қуйидагича ифода этиш мумкин (2.1.1-расм).



**1-расм. Тадбиркорлик фаолияти турлари таркиби**

**Ишлаб чиқариш тадбиркорлиги.** Ишлаб чиқариш тадбиркорлигини тадбиркорлик фаолиятининг асосий тури десак хато бўлмайди. Зеро, бундай тадбиркорлик фаолияти туфайли маҳсулот, товарлар ишлаб чиқарилади, хизмат кўрсатилади, маълум маънавий қадриятлар юзага келади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида тижорат тадбиркорлиги яхши ривожланди. Тадбиркорлик фаолиятининг бу тури товар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда сотиш жараёнларини амалга ошириш билан таърифланади, чунки бу соҳада қисқа вақтда даромад олиш мумкин. Агар ишлаб чиқариш корхона самарадорлигининг 10-12% ини ташкил эса, тижорат фаолияти эса бу кўрсаткични яна 20-30%га оширади.

Молиявий тадбиркорлик тадбиркорлик соҳасининг алоҳида олинган турига киради. Унинг фаолият соҳаси қийматларнинг алмашилиши ва алмаштирилишидан иборат. Молиявий фаолият ишлаб чиқариш, тижорат соҳасини ҳам қамраб олиши мумкин. Шунингдек, молиявий тадбиркорлик мустақил банк ва суғурта муассасалари шаклида ҳам фаолият юритади.

Молиявий битим тадбиркорлик фаолиятининг илгариги турларига нисбатан камроқ самара беради. Бу кўрсаткич 5-10%ни ташкил этади. Кейинги вақтда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг консалтинг (маслаҳат) тури ривожланмоқда. Бу тадбиркорлик тури кўп йўналишлардан иборат бўлиб, келажакда яхши ривожланиб кетишига жаҳон иқтисодиёти тараққиёти гувоҳлик беради.

**Ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг моҳияти.** Тадбиркорлик фаолияти турлари нисбатан мустақил бўлиб, бир-бирини тўлдириб келади. Тадбиркорлик фаолиятининг барча турларини белгилаб берувчи ишлаб чиқариш тадбиркорлигининг устуворлигини тан олиш керак.

Инновацион, илмий-техник фаолият, товарларни бевосита ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва шу соҳадаги ахборот билан ишлаш фаолияти ишлаб чиқариш тадбиркорлигига киради. Ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқчи бўлган ҳар бир ишбилармон тадбиркорлик фаолиятининг қайси тури билан шуғулланиши, қандай маҳсулот ишлаб чиқариши,

қандай хизмат кўрсатишини олдиндан белгилаб олиши лозим. Шу иш амалга ошгандан кейин тадбиркор маркетинг билан шуғулланади. У товарга талабни билиш мақсадида товарнинг потенциал истеъмолчилари, харидорлари, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи ташкилотлар билан алоқа қилади.

Музокаралар ишбилармон ва бўлажак харидорлар ўртасида шартнома тузилиши билан якунланади. Тузилган шартнома тадбиркорликдаги таваккалчиликнинг олдини олиш имконини беради. Шу ишлар амалга ошмаса, тадбиркор фақат оғзаки ваъдалар асосида ишлаб чиқариш фаолиятини бошлайди. Барқарор бозор шароитида ривожланган мамлакатларда оғзаки келишувлар ишончли кафолат бўлиб, зарур ҳолларда шартнома, битим шаклида расмийлаштирилади. Бироқ мамлакатимизда бозор иқтисодиёти энди шаклланаётган даврда оғзаки битимларнинг кафолати паст ва таваккалчилик кучлидир.

Тадбиркорлик фаолиятининг кейинги босқичи ишлаб чиқариш омилларини сотиб олиш ёки ижарага олишдир.

**Ишлаб чиқариш омиллари.** Маълумки, ишлаб чиқариш омиллари ишлаб чиқариш фондлари, ишчи кучи, ахборотдан иборат. Ишлаб чиқариш фондлари ўз навбатида асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари (меҳнат қуроллари) иншоотлар, узатувчи мосламалар, қувватли машина ва жиҳозлар, ишчи машина ва жиҳозлар, ўлчов ускуналари, лаборатория жиҳозлари, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш инвентарлари ва бошқа асбоб-ускуналардан иборат. Асосий ишлаб чиқариш фондларига цех завод ва лаборатория бинолари киради.

Корхона ҳудуди атрофидаги деворлар, кўприклар, нефть қудуқлари, кўмир кони қатламлари ва шунга ўхшаш бошқа қурилмалар иншоот жумласига киради. Узатувчи мосламаларга қувватли кабеллар, электр узаткич линиялари, турли узаткич қувурлари, нефть ва газ узаткич қувурлари киради. Қувватли машиналарга турли двигателлар, турбиналар, буғ қозонлари ва бошқалар киради. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг муҳим элементи ишчи машина ва ускуналар ҳисобланади. Уларга ёрдамчи цехларнинг барча технологик мосламалари, машина ва ускуналари киради. Асосий фондларнинг бу қисми шартли равишда актив қисми деб ҳисобланади, чунки шу машина ва ускуналарда маҳсулотларнинг асосий қисми тайёрланади. Транспорт

воситалари таркибига автомобиль, темир йўл, ҳаво йўллари ва бошқа транспортларнинг барча турлари кирази.

Айланма ишлаб чиқариш фондларини (меҳнат предметлари) хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи ва энергетик ресурслар, идиш ва идиш мосламалар, чидамсиз ва қисқа муддатда ишлатиладиган асбоблар ва ишлаб чиқариш мосламалари, таъмирлаш учун зарур эҳтиёт ва бутлаш қисмлари ташкил этади. Сотиб олинладиган бутлаш мосламалар, ярим тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ўзи тайёрлаган ярим тайёр маҳсулот, келажакдаги харажатлар ҳам айланма ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади.

Қайта ишлов берилмаган саноат маҳсулотлари (руда, нефть, кўмир, газ ва бошқалар), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта, жун, тери ва бошқалар) хомашёни ташкил этади. Материаллар эса маълум қайта ишлаш жараёнидан ўтиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган меҳнат маҳсулотидир. Асосий материаллар бўлажак тайёр маҳсулот (темир, ёғоч, мато)нинг асосини ташкил этади, ёрдамчи материаллар (бўёқ, тугма ва бошқалар) асосий материаллар учун ишлатилади ёки (мойлаш мойлари) ишлаб чиқариш жараёнига ёрдамлашади.

Асбоб-ускуналар нархи ва ишлатиш муддатига қараб айланма фондларга киритилади. Асбоб-ускуналарнинг хизмат муддати бир йилдан оз бўлса, у айланма фондларга тааллуқлидир. Ярим тайёр маҳсулотлар сотиб олинган ёки ўзида тайёрланган турларига бўлинади. Ярим тайёр маҳсулотлар истеъмолга тайёр бўлмаган бўлиб, уни бошқа цех фирма ёки корхонада тайёр ҳолатига келтириш лозим. Тугалланмаган ишлаб чиқариш тугалланмаган маҳсулот бўлиб, ярим тайёр маҳсулотдан фарқли равишда ўз ишчи жойида туради. Уни меъёридаги ишлов бериш учун корхонанинг бошқа бўлинмасига берилмай, шу цехнинг ўзида қиёмига етказилади.

Келажакдаги харажатларга алоҳида тўхталиш лозим. Бу харажатлар янги маҳсулотларни тайёрлашдаги харажатлар бўлиб, кейинчалик ишлаб чиқариш харажатлари жумласига киритилади. Ишчи кучини тадбиркор эълон, меҳнат биржаси, ишга жойлаш агентлиги, таниш-билишлар орқали топади. Ишга олишда номзоднинг маълумоти, мутахассислиги, иш тажрибаси, шахсий хусусиятлари ҳисобга олинади. Сўнгра тадбиркор моддий, молиявий, меҳнат ресурслари, тайёрланладиган маҳсулотларни сотиш бозори ҳақида ахборот тўплайди.

### **III-БОБ. Почта алоқаси корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишлари**

#### **3.1 Ўзбекистон почтаси АЖнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш**

Сўнги йилларда Республикамизда тадбиркорлик фаолияти соҳасида фаолият юритиш учун кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш. Мирзиёв томонидан кўплаб қарорлар қабул қабул қилинмоқда. Ушбу яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Қонуннинг 1-моддасида Қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишдан, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, шунингдек тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Қонунда белгилаб қўйилаганки фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар. Якка тартибдаги тадбиркорлик — юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши. Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида,

шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари қонунда қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

- ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш кўрсатиб ўтилган.

- бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Бундан ташқари Давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида тадбиркорликни қуйидагича қўллаб қувватлайди:

- тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантирилиши устидан мониторингни, мавжуд муаммоларни ўрганишни ҳамда тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритишни амалга оширади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларига молиявий, моддий-техник ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда қўмаклашади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўз маҳсулотларини ташқи ва ички бозорларда реализация қилишда қўмаклашади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хил хизматлар тизими ривожлантирилишини ташкил этади;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларига кадрларни тайёрлашда, қайта тайёрлашда ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашади;

- тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа фаолиятни амалга оширади.

Шундан келиб чиқиб почта алоқасида ҳам жамият низомида кўрсатиб ўтилган тадбиркорлик фаолиятидаги кўрсатилган хизматларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Битирув малакавий ишимизнинг биринчи бобида почта соҳасининг тадбиркорлик соҳасида кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятларни кўриб чиққан едик. Шулардан баъзиларини амалга ошириш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида сўз юритамиз.

### **Лотереялар таъсис етиш, чоп етиш, сотиш ҳамда лотерея ва кўрик-танловларни ўтказиш.**

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг “тиражли лотерея ўйинларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” буйруғи қабул қилинган бўлиб буйруқ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилган.

Тиражни ўтказиш учун тираж ташкилотчисининг қарори билан тираж комиссияси тузилади. Тираж ташкилотчиси томонидан тираж комиссиясининг таркиби ва иш регламенти ҳар бир тираж учун алоҳида тасдиқланади. Тиражни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек бошқа ташкилий масалаларни амалга ошириш тираж ташкилотчисининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Тиражни ўтказиш муддатлари ва жойи лицензияловчи орган томонидан тасдиқланган ўйин шартлари билан белгиланади. Тираж комиссиясининг тўлақонли ишлаши ва тиражни ўтказиш учун тиражлар томоша зали, сахна ва зарур миқдорда алоҳида хоналарга эга бўлган биноларда ўтказилади. Тиражларни ўтказишда замонавий шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва кузатув тизимларидан фойдаланилиши мумкин. Тиражлар хоҳловчиларнинг тиражга тўсиксиз кириши ва хавфсизлик талабларига риоя қилиниши шарти билан оммавий тарзда ўтказилиши зарур. Бунда, тиражни ўтказилиши тўғрисидаги маълумот камида беш кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

Иштирокчилар тираж комиссиясига ўзларини қизиқтираётган тиражга доир масалалар бўйича саволлар беришга ҳақли эканлиги баён қилинган.

Тираж комиссияси таркиби раис, унинг ўринбосари (ўринбосарлари), тираж комиссиясининг котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, 20 кишидан кам бўлмаган ҳолда тузилади.

Тираж комиссияси таркибига тегишли ташкилотлар раҳбарияти билан келишилган ҳолда тираж ташкилотчиси (ташкилотчилари), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари киритилиши мумкин.

Тираж комиссияси раиси олинган махсус билетли патронларни санайди, уларга махсус билетлар тўлиқ жойлаштирилганлигини ташқи кўрикдан ўтказди ва уларни икки нафар тираж комиссияси аъзоларига қайта санаш учун беради.

Тираж комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари (ўринбосарлари), шунингдек тираж комиссияси котиби тираж комиссияси аъзоларига ва залда иштирок этаётганларга барабандан олинган махсус билетдаги буюм ютуқлари номи ёки пул ютуқлари миқдорлари, сўнгра ютган лотерея билетининг серияси ва рақамларини эълон қилади.

Буюм ютуқлари номи ёки пул ютуқлари миқдорларини белгиловчи махсус билетлар эълон қилингандан сўнг, буюм ютуқлари номи ёки пул ютуқларининг миқдори ва сонини кўрсатган ҳолда ютуқли махсус билетларни елимлаш карточкаларига елимлайдиган тираж комиссияси аъзоларига берилади.

### **Риелторлик фаолияти**

Бугунги кунда почта соҳасида тегишли руҳсатнома олиб кўрсатиш имконияти мавжуд бўлган хизмат турларидан бири бу риелторлик фаолияти ҳисобланади. Ушбу фаолият туриб бўйича Ўзбекистон Республикасининг риелторлик фаолияти тўғрисида қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 23 ноябрда қабул қилинган ва Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган.

Ушбу қонун билан қисқача танишиб ўтадиган бўсак риэлторлик фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятидир. Риэлторлик фаолияти риэлторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан бериладиган риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида амалга оширилади. Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Риэлторлик ташкилоти лицензияга эга бўлган тижорат ташкилотидир. Риэлторлик ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Риэлторлик ташкилоти штатида риэлторнинг малака сертификатига эга бўлган камида икки нафар ходим, шу жумладан риэлторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши керак.

Риэлторлик ташкилотига унинг раҳбари аризасига кўра бир ёки бир неча турдаги риэлторлик хизматлари кўрсатиш учун лицензия берилиши мумкин. Риэлторлик ташкилоти риэлторлик фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Риэлторлик ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас. Риэлторлик ташкилоти ўз фаолиятини ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширади.

Риэлторлик фаолияти қуйидаги турлардаги риэлторлик хизматларини кўрсатиш орқали амалга оширилади:

кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик;

кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш;

кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш;

кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари.

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик (кўчмас мулкнинг олди-сотдиси, ижараси, гарови, айирбошланиши, ҳадя этилиши, рентаси, кўчмас мулкдан текин фойдаланилиши ва умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни (квартирани) бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ҳаракатлар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида риэлторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади. Бунда риэлторлик ташкилоти мазкур битимларнинг бевосита тарафи бўлиши мумкин эмас.

Кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш савдони ўтказиш тўғрисидаги ва унинг якунлари ҳақидаги хабарномаларни тайёрлаш ҳамда эълон қилишни, савдога қўйилаётган кўчмас мулк объектларини реклама қилишни, савдода иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш ва ҳисобга олишни, закат тўғрисида келишувлар тузишни, савдони ўтказишни, ўтказилган савдо якунларига доир баённомани расмийлаштиришни, сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб учун шарт-шароитлар яратишни ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа хизматларни ўз ичига олади.

Кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги, кўчмас мулк бозори ва унинг иштирокчилари ҳолатини таҳлил этиш ҳамда прогноз қилиш ҳақидаги, мазкур бозорнинг конъюнктураси, кўчмас мулк бозори соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлашни,

шунингдек кўчмас мулк объектлари рекламасининг тарқатилишини ташкил этишни, битим тарафларини танлаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколати доирасида риэлторлик хизматлари кўрсатиш;

ўз риэлторлик хизматларини ва буюртмачининг кўчмас мулк объектларини реклама қилиш;

риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси шартлари буюртмачи томонидан бажарилмаган тақдирда шартноманинг бекор қилинишини талаб этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда олиш.

Риэлторлик ташкилоти ва риэлтор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хусусий ва ташқи савдо тармоғи орқали нақд пулга ва пул ўтказиш ҳисоб-китоби бўйича тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ҳамда бошқа халқ истемоли маҳсулотларини улгуржи, майда улгуржи, чакана савдо орқали сотиш.

«Савдо» тушунчасига китобларда турлича таъриф берилса-да, моҳиятан, савдо фойда олиш мақсадида бир товарни пулга ёки бошқа товарга айирбошлаш ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг бу мустақил тармоғи товарларнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етиб боришини таъминлайди. Тармоқ харидорларга хизмат кўрсатиш, товарларни етказиб бериш, уларни сақлаш ҳамда сотишга тайёрлаш сингари кетма-кетликдаги жараёнларни ўз ичига олади. Савдо, бир томондан, ўта муҳим иқтисодий ва ижтимоий омил, иккинчи томондан эса солиқ тушумларининг катта манбаи

ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳага давлат томонидан катта эътибор кўрсатиляпти.

Маълумки, ушбу фаолият **улгуржи** ва **чакана** савдога бўлинади. Уларга қуйидагича таъриф бериб ўтамиз.

**Улгуржи савдо** – ташкилотлараро, ташкилотлар ва тадбиркорлар ўртасида, тадбиркорлараро савдодир. Яъни бу шундай савдоки, товар пировард фойдаланиш учун эмас, балки бизнес эҳтиёжлари (қайтадан сотиш ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиш) учун сотилади, бунда харидор идентификацияланади.

**Чакана савдо** – пировард истеъмолчига товарларни сотиш. Улгуржи савдодан фарқли ўлароқ, чакана савдо тизимида сотиб олинган товар кейинчалик қайта сотишга эмас, балки пировард истеъмолчи томонидан бевосита фойдаланишга мўлжалланган.

Ушбу таърифлар назарий таърифлардир. Амалиётда улгуржи ва чакана савдо ўртасидаги чегарани белгилаш осон кечмайди. Бу эса муайян муаммоларни, шу жумладан мазкур фаолиятга солиқ солишда ҳам муаммоларни юзага келтиради. Кўпгина мамлакатларда ушбу савдо фаолиятлари учун турлича солиқлар белгиланган. Россияда, масалан, чакана савдо қилувчилар белгиланган даромад бўйича ягона солиқ тўлайдилар, улгуржи савдо қилувчилар эса умумий ва соддалаштирилган солиқ солиш тизимини қўллайдилар.

### **3.2 Ўзбекистон почтаси АЖ негизида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар**

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт” деб таъкидлаб ўтган едилар биринчи президентимиз Ислам Каримов. Ривожланган давлатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки бу давлатлар ҳам ривожланишни биринчи босқичида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга катта еътиборини қаратганлигини кўришимиз мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида тадбиркорлик фаолияти билан шугъулланаётган субъектларнинг ҳуқуқлари ҳимояси юқори даражада таъминлаб қўйилди.

Юқорида кўриб ўтганимиздек Ўзбекистон почтаси АЖ ҳам ўзининг низомида тадбиркорлик фаолияти соҳасида кўрсатиши мумкин бўлган хизмат турларини белгилаб қўйган. Бугунги замон талабидан келиб чиқиб ва чуқур ўрганиб чиқиб амалиётга жорий қилинса самара бериши мумкин бўлган хизмат турларини санаб ўтмоқчиман. Буларга:

- инновацияга оид фаолият, янги технологиялар ва материаллар, патентлар, лицензиялар, технологиялар, «ноу-хау» яратиш, ишлаб чиқиш, сотиб олиш, тадбиқ етиш.

- турли хил қурилиш материаллари, хом-ашёларини сотиш. Айниқса қишлоқ жойларда ташлик қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- буюртмаларга асосан ташкилот, корхона ва муассасаларга турли хилдаги бинолар қуриб бериш, ижарага бериш ҳамда сотиш;

- автомашиналар учун ёқилг'и қуйиш шаҳобчаларини очиш, ижарага бериш, сотиш;

- Жамиятга тегишли бўлган транспорт воситаларини ижарага бериш, хизмат кўрсатиш, сотиш;

- қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш ва сақлаш, улар билан бошқа операцияларни ўтказиш;

- ускуна ва мол-мулк лизинги, прокат ёки ижарага берилиши;

- сармоядорлик фаолияти, шу жумладан турли хўжалик жамиятлари, компаниялар ва қўшма корхоналарда иштирок етиш;

- қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан рухсат етилган тижорат ва воситачилик фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисоб рақамларидаги бўш пул маблағларни қўшимча даромад олиш мақсадида депозитларга қўйиш;

- хусусий ва ташқи савдо тармоғи орқали нақд пулга ва пул ўтказиш ҳисоб-китоби бўйича тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ҳамда бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларини улгуржи, майда улгуржи, чакана савдо орқали сотиш;

- савдо-воситачилик фаолиятини ташкил етиш, маркетинг ва реклама хизматлари кўрсатиш;

- ноширлик фаолияти;

- полиграфия фаолияти;

- глобал, локал ва ички компьютер тармоқлари коммуникация ҳамда алоқа воситалари, шу жумладан интернет соҳасида провайдерлик ва операторлик фаолияти;

- радио, телефон, телевизор, компьютерларни таъмирлаш устахоналарини очиш ҳамда уларни таъмирлаш;

- риелторлик фаолияти, кўчмас мулк объектлари, ускуналар ва мулкни сотиб олиш, эксплуатация қилиш, ижарага бериш ва сотиш;

- автомобилларни таъмирлаш хизматини ташкил етиш ва амалга ошириш, автомобиллар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

- лотереялар таъсис етиш, чоп етиш, сотиш ҳамда лотерея ва кўрик-танловларни ўтказиш;
- ташқи иқтисодий фаолият (экспорт, импорт, толлинг) билан шугʻулланиш;
- туризм фаолияти;
- улгуржи ва чакана савдо;
- автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш;
- божхона омборини таъсис етиш;
- божсиз савдо дўконини таъсис етиш;
- божхона режимида омборхона таъсис етиш - "еркин омборхона";
- аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЕХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш;
- корхоналарни ташкил қилиш, тижорат ташкилотларда ҳиссали иштирок етиш;
- турли ташкилотлар фойдасига тўловларни қабул қилиш;
- авиа – темир йўл чипталарини сотиш.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида хусусий ва тижорат банклари томонидан кўплаб кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, Акциядорлик-тижорат “Қишлоқ қурилиш банк” ўз фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Банк томонидан ажратилаётган кредитлар қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес субъектларининг имкониятларини кенгайтириш ва улар томонидан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2009-2016 йиллар давомида кичик бизнес субъектларига 2 402 708 млн. сўмлик кредит маблағлари, шундан озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 427 139 млн. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб

чиқаришни кенгайтиришга 536 706 млн. сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 304 604 млн. сўм ажратилган.

Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес субъектлари муҳим ўрин тутиши сир эмас. Банк кредитлари ҳисобига кичик бизнес субъектлари томонидан қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринлари яратилмоқда. “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ўтган етти йил давомида тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар эвазига 20 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил қилинган. Мазкур рақамларнинг ўзи ҳам банк ва кичик бизнес корхоналарининг ҳамкорлиги амалий натижалар бераётганлигини ифодалайди.

2010-2016 йиллар давомида имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан ажратилган кредитлар 23 203 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 109 683 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш учун 716 988 млн. сўм йўналтирилди.

Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бизнес ғояларини рағбатлантириш “Қишлоқ қурилиш банк” кредит сиёсатида алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда. 2011-2016 йиллар давомида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 62 734 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди. Биргина жорий йилнинг 7 ойи мобайнида касб-ҳунар коллежи битирувчиларига 13,1 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар берилди.

Молиялаштирилаётган бизнес лойиҳалар ҳисобига битирувчиларнинг бандлиги таъминланибгина қолмасдан, қишлоқ ҳудудларида хизматлар турларини кўпайтириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Энг муҳими, тижорат банкларининг молиявий

кўмагида ёш тадбиркорларнинг сафи кенгайиб, ҳар йили таълимдан кейин юзлаб йигит-қизлар кичик бизнес соҳасига кириб келмоқда.

2016 йилда “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилаётган молиявий маблағлар ҳажми янада ортган. Жорий йилнинг ўтган етти оyi мобайнида тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 517,6 млрд. сўмлик кредит маблағи йўналтирилди. Шу даврда аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 152,0 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Банк томонидан рақобатбардош, юқори сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини истеъмол товарлари билан бойитиш, тайёр товарлар ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида миждозларга ажратилган кредитлар 212,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Қишлоқ жойларида сервис хизматларини ривожлантириш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур мақсадларга жорий йилнинг 7 оyi давомида 47,1 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Татбиқ этилган бизнес лойиҳалар ҳисобига ҳудудларда янги хизматлар жорий этилмоқда ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланмоқда.

Аёллар тадбиркорлигини рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга моликдир. Банк юзлаб хотин-қизларнинг ўз бизнесини ташкил этишга доир ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватламоқда. Жорий йилнинг 7 оyi давомида тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик

субъектларига 76,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначиликка 26,3 млрд. сўмлик микрокредитлар йўналтирилди.

Банк мамлакатимизда амалга оширилаётган дастурлар ижроси бўйича ҳам самарали натижаларга эришмоқда. Жумладан, “Республика ҳудудларини 2013-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га асосан 2016 йилнинг ўтган етти ойи давомида 3272 та янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи 487 та лойиҳага 38,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши таъминланди.

Банк томонидан тадбиркорлик субъектларининг хорижнинг энг илғор техника ва технологияларини жорий этишни, рақобатбардошли ва замон талабига жавоб берадиган миллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўзда тутадиган инвестициявий лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий валютадаги имтиёзли хорижий кредит линиялари ҳам кенг жалб қилиб келинмоқда.

Ўтган 2009-2016 йиллар давомида давомида банк томонидан жами 32,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 7 та кредит линиялари жалб қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида мазкур маблағлар ҳисобидан банк мижозларининг 80 дан ортиқ лойиҳалари молиялаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорига асосан жалб қилинган кредит линия доирасида 2016 йил давомида амалга оширилган 17 та лойиҳага 8,6 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Хусусан, республикаимизнинг турли ҳудудларида 8 та музлаткич омборларига 1 903,88 минг АҚШ доллари, интенсив боғ ташкил этиш ва томчилатиб суғориш ускуналарини тадбиқ этиш мақсадида 4 та лойиҳага 3 040,26 минг АҚШ доллари, замонавий

иссиқхоналар ташкил этиш учун 3 та лойиҳага 1 667,00 минг АҚШ доллари ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш мақсади учун 2 та лойиҳага 1 987,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

“Қишлоқ қурилиш банк” томонидан олиб борилаётган самарали кредит сиёсати халқаро молия муассасалари ва рейтинг агентликларининг эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Шу йилнинг май ойида Моодйъс халқаро рейтинг агентлиги банкнинг барча рейтинглар прогнозини “барқарор” деб тасдиқлади.

Бир сўз билан айтганда, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакилларининг ишончли молиявий кўмакчисига айланиб бормоқда. Банк хусусий секторнинг янада ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва иқтисодий фаровонлигини таъминлашга ўз молиявий маблағларини йўналтириш орқали мустақиллигининг 25 йиллик тўйини нишонлаётган мамлакатимизни янада тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда.

Тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш бу давлатнинг иқтисодиётини келажакдаги мустаҳкамлигини таъминлайди.

#### **IV.БОБ. Хаёт фаолияти хавфсизлиги. экология**

##### **4.1 Алоқа корхоналарида зарарли моддалар ва уларга қарши курашиш чора-тадбирлари**

Заҳарли моддаларга қарши курашнинг умумий чоралари. Заҳарли моддаларга қарши курашнинг умумий усуллари қуйидагча туркумлаш мумкин.

1. Заҳарли моддалар ажралишини технологик жараёнларда бартараф этиш. Бунда заҳарли моддаларни заҳарлилиги камроқ моддалар билан алиштириш ёки умуман ҳавога заҳарли моддалар ажралиши учун шароитни қирқадиган янги технологияларни жорий қилиш мумкин: масалан, металлларни кўрғошин ванналари ўрнига юқори частотали тоқлар билан тоблаш ва бошқалар.

2. Технология ва ускуналарни такомиллаштириш. Бунга бутунлай янги масалаларни ҳал қилиш йўли билан ҳам, узлуксиз жараёнлар ва автоматлаштириш йўли билан эришиш мумкин. Масалан, машинасозлик саноатида ҳавони эритувчиларнинг буғлари ва бўёқ аэрозоллари билан ифлосланадиган бўйаш цехларида станоклар, машиналар ва бошқа ашёларни пуркаш йўли билан бўйаш ўрнига, электростатик майдонларда бўйаш жорий қилинмоқда, бу меҳнатни енгиллаштирибгина қолмасдан, балки иш зонасини соғломлаштиришга олиб келади ва заҳарли моддаларни атмосферага чиқишини камайтиради. Вакуум шароитларида пайвандлаш ишларини бажариш цех ҳавосига заҳарли газлар ва аэрозоллар ажралиб чиқишини олдини олади. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизатсиялаштириш, қўлда бажариладиган ишларни йўқотиб, меҳнатни осонлаштиради, аксари ҳаво муҳитини яхшилайдди, ишчиларни заҳарли моддалар билан мулоқотда бўлишини чегаралайдди. Бунга кимё заводларида идишларни заҳарли моддалар билан тўлдириш, филтратсиялаш ва қуритиш жараёнларини механизатсиялаштириш, металлургияда эритиш печларини тўлдириш,

машинасозлик саноатида занглашга қарши қатламларни ҳосил қилишнинг галваник жараёнлари ва бошқалар мисол бўлади. Ускуналар ва таъминот воситалари (газ ўтказиш қувурлари, транспортерлар ва бошқалар) тешик-тирқишларидан кўпинча газлар чиқиши мумкин, шунга кўра цехлардаги ҳаво муҳитини соғломлаштиришда эски ускуналарни бирмунча зич ёпилган янги ускуналар билан, алмаштириш, механик жиҳатдан эскириши ва занглаши натижасида тешик-тирқишлар, ёриқларни ўз вақтида йўқотиш мақсадида уларнинг ҳолатини назорат қилиб туриш катта рол ўйнайди. Замонавий техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланган ҳолда кўпгина технологик жараёнларнинг бориши устидан назорат қилиш учун синамаларни оддий усулларда эмас, автоматик усуллар билан олиб бориш имконини беради, бу эса захарли моддаларнинг ҳаво муҳитига тарқалаётганлигини билдиришнинг энг самарали усули ҳисобланади.

Санитар-гигиеник тадбирлар. Бунга хом ашёни гигиеник стандартлаш, ҳаво ҳолати устидан назорат қилиб туриш, захарларнинг таъсир қилиш хавфи ошган шароитларда гигиеник талабларга амал қилиш (фавқулодда ҳолатлар, ремонт ишлари), биноларни режалаштириш ва пардозлаш ёрдамида захарланишларни олдини олиш, ишахсий ҳимоя воситаларини қўллаш, самарали шамоллатиш тизимларини ўрнатиш ишчиларга санитария жиҳатдан йўриқномалар бериш киради. ГОСТ 12.1.007-76 хом ашё, маҳсулотлар, материаллар стандартлари ва техник шартларига зарарли моддаларнинг захарлилик таърифларини киритишни талаб қилади булар технологик регламентларда ҳам бўлиши керак. Хом ашё ва тайёр материалларни гигиеник стандартлаш захарлар ажралиб чиқишига ва уларни ишчиларга таъсир сабаб бўла оладиган хом ашё ва аралашмалар соғлиқ учун зарарли бўлган моддаларнинг чиқариб ташланиши ёки йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорини чегаралашдан иборат. Масалан, босмахона қотишмаларидан кўрғошин, кислоталар ва металллар составидан мишьякни (уларнинг ўзаро таъсиридан жуда захарли газ арсин ҳосил бўлади) бутунлай чиқариб ташлаш

мисол бўла олади. Ишлаб чиқариш заҳарланишларига қарши курашнинг йўлларида бири иш зонасидаги ҳаво муҳити ҳолати устидан назорат ўрнатиш ҳисобланади. Стандарт бўйича хавфлиликнинг 1-синфи моддалари учун назорат заҳарли моддаларнинг зичлик миқдоринигина фақат қайд қилиб қўя қолмасдан, балки йўл қўйилиши мумкин бўлган чегара миқдор (ЙҚМБЧМ ПДК) ошган тақдирда зарур чоралар кўриш учун товуш ва ёруғлик сигналларини ишга соладиган автоматик ёқиш асбоблари билан таъминланган ҳолда узлуксиз бўлиши керак. Хавфлиликнинг 2-4 синфларидаги моддалар мунтазам равишда режа асосида (меҳнат шароитларига гигиеник баҳо бериш, заҳарли моддалар ажралишини аниқлаш ва ажралиш сабабларини бартараф қилиш) ва айрим шошилиш шароитларда касбга доир заҳарланишларнинг сабабларини ишчилардан сўраб суриштириб назорат қилинади. ГОСТ бўйича назорат усуллари ва асбобларининг сезувчанлиги ЙҚМБЧМ (ПДК) даражасидан 0,5 дан паст бўлмаслиги, хатоси эса аниқланаётган миқдордан 25% дан ошмаслиги керак. Заҳарланиш хавфи, одатда режа асосида тамирлаш ишларини ўтказишда ва фавқулодда ҳолатларда ортади. Бундай ҳолларда иш жойларидан заҳарли моддаларни ҳаво билан ҳайдаш, ювиш, газсизлантириш йўли билан тозаланиши лозим. Ишчининг хавфли зонада, ускуналар ва катта ҳажмдаги идишлар ичида бўладиган вақтини чегаралаш, махсус кийимлар кийиш, противогаз ва бошқа шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш ишларни тўрғи ташкил қилиш, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам муҳим ҳисобланади. Заҳарланишга қарши кураш санитария техникасининг муҳим ва тарқалган тури самарали. шамоллатиш усули катта аҳамиятга эга. Унга қўйиладиган асосий гигиеник талаб, заҳарли моддаларни улар ҳосил бўладиган зонадан цех ҳаво муҳитига тарқатмасдан жойлардан сўриш усули билан ташқарига чиқариб юбориш, заҳарлар ҳаво муҳитига тарқалган тақдирда эса, соф ҳаво бериш ва заҳарлар миқдорини ЙҚМБЧМ гача пасайтириш йўли билан уларни кучсизлантиришдан иборат.

## 4.2 Алоқа корхоналарида ёнғинга қарши профилактика ишлари

Алоқа корхоналарида, турар жой биноларида содир бўладиган ёнғин, портлашлар кўплаб моддий зарар кўришга, одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади. Турар жой, маъмурий бинолар, хомашё, маҳсулотлар, ускуна, дастгоҳлар, ишлаб чиқариш бинолари, тайёр маҳсулотлар(ёниш хусусиятига эга бўлганлиги учун) ёниб кетади, натижада иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатади. Маълумотларга қараганда, дунё бўйича ҳар 10 сонияда, жами 5 млн. ёнғин содир бўлмоқда. МДХда эса бу кўрсаткич 8000-8500 ни ташкил этади, оқибатда млн. ҳатто бир неча юз млн. сўмдан ортиқ моддий зарарлар кўрилади.

корхоналарини, турар жой биноларини ёнғин, портлашдан ҳимоялаш давлатимизнинг муҳим ва бош вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани бажариш технологик ускуналардан тўғри фойдаланиш, бино, қурилма, иншоотларни ёнғинга қарши умумий нормаларга асосланиб тўғри лойиҳалаш, қуриш билан узвий боғланган. Ишлатиладиган қурилиш ашёлари ва жиҳозларнинг ёнувчанлигини аввалдан ҳисобга олиш, қайта ишланадиган, олинадиган модда, маҳсулотларнинг ёнишга мойиллиги, физик-кимёвий хусусиятларини эътиборга олиш ёнғин хавфсизлигини таъминлашда ва ундан огоҳлантиришда, одамларнинг хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда ёнғинга қарши қўлланиладиган умумий норма талабларига мос тушадиган ва амалга ошириладиган қурилиш ечимлари, чоралар-тадбир ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқариш объектларини, турар жой биноларини қуришда амал қилиш талаб этилади ҳамда шу талабларнинг амалга оширилиши қаттиқ назорат қилинади. Бўлажак мутахассисларни ёнғин хавфсизлигига оид муаммоларни тўғри ва ижобий ҳал қилишга қизиқтириш, назарий билим бериш, ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш, инсонларнинг ҳаёт фаолиятида содир бўладиган ёнғин ва портлашларнинг олдини олиш, огоҳлантириш, шунингдек, унинг салбий оқибатларини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

Ёнғин – бу назорат қилиб болмайдиган ҳодиса болиб, бебаҳо моддий ва маданий бойликларни бир дақиқада йўқ қилувчи, атроф муҳитни издан чиқарувчи офат, айниқса у фуқароларнинг жонига кулфат келтирувчи фавқулоддаги вазиятдир. Ёнғиннинг келиб чиқиши уч омилнинг бир вақтда, бир жойда дуч келишининг оқибатидир, яъни:

- ёнувчан модда (нефт, қоғоз, ёғоч ва бошқалар);
- ҳаво ҳарорати (иссиқлик);
- учқун-аланга (гугурт, учқун, электр симининг қисқа туташуви).

Алоқа корхоналарида ёнғин муҳофазаси хизматини тоғри ташкил қилиш, корхона ва ходимлар ҳаётини хавфдан сақлаш демакдир. Шу жумладан корхона атрофида яшовчи аҳолини хавфдан асрашдир. Бунинг учун корхонада ёнғин хавфсизлиги бўйича чора-тадбирлар кўрилган бўлиши лозим. Масалан:

- Ёнғин хавфига бардошли иншоотлар ва қурилмалар;
- Ёнғин юз берганда одамларни эвакуатсия қилиш йўллари;
- Ёнғинга қарши тўсиқлар;
- Ёнғинни ўчириш жиҳозлари ва воситалари;
- Ёнғин даракчилари ва алоқа воситалари, каби корхонада ёнғинни

олдини олувчи ва ёнғинни бартараф қилувчи чора-тадбирлар кўрилган бўлиши лозим.

**Ёнғин хавфига бардошли иншоотлар ва қурилмалар** - бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги, одатда уларнинг ўтга чидамлилиқ даражаси билан ифодаланади. Бу эса, ўз навбатида, уларда ишлатилган қурилиш ашёларининг ёнувчанлик хусусиятларига бевосита боғлиқ бўлади. Қурилиш ашёларининг юқори ҳарорат таъсиридан алангаланиб ёки чўғланиб ёниши натижасида парчаланиши уларнинг ёнувчанлигини билдиради. КМК

2.0л.02-85 рақамли ёнғин хавфсизлиги меъёрида қурилиш ашёлари хусусиятига кўра учта гуруҳга бўлинади:

- Ёнмайдиган;
- Қийин ёнадиган;
- Ёнувчи гуруҳларга бўлинади.

Албатта иншоотлар қурилиш ашёлари ва жиҳозларини юқорида келтирилган таркибга асосланган ҳолда танлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ёнғин юз берганда одамларни эвакуатсия қилиш йўллари** – бино ва иншоотларда одамларнинг ҳаракатланиши зарурий функционал жараён ҳисобланади. Бу жараёни амалга оширишда одамларнинг ҳаракати меъёрий ёки мажбурий ҳолда бўлиши мумкин. Биринчисидо одамларнинг бино ва иншоотларда кундалик эҳтиёж юзасидан нормал ҳаракатланиши билан ифодаланса, иккинчисидо бино ёки хоналардан ёнғин ёки zilзила шароитида одамлари хавфли муҳитдан хавфсиз жойга мажбурий кўчиш учун мўлжалланган ҳаракати тушунилади. Мажбурий эвакуатсия жараёни иккита ёки тўртта поғонада ўтказилади.

Биринчи поғона бу бинонинг охириги қаватида жойлашган барча хоналарда одамларнинг ё'лакка чиқиш ҳаракатидир.

Иккинчи поғонага одамларнинг хонанинг чиқиш эшигидан то зинапоягача бўлган масофани босиб ўтиш учун мўлжалланган ҳаракат киради. Бунда ҳаракатланувчи оқим йўлак бўйлаб ўтади. Агар бино бир қаватли бўлса, эвакуатсия иккинчи поғонадан сўнг тугаши мумкин.

Учинчи поғонага одамларнинг юқори қаватнинг зинапояга келишдан то чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтиш учун қилинган ҳаракати киради.

Тўртинчи поғонага одамларнинг зинапоядан тушгандан кейин айвон ва йўлаклар орқали ташқарига чиқиш эшигигача бўлган масофани босиб ўтишига қаратилган ҳаракати киради.

Алоқа корхоналари, бино ва иншоотларда одамларнинг ҳаракатланиб юриши, ёрдамчи вазифалар киради ва уни амалга ошириш учун махсус майдонлар (йўлаклар, зинапоёлар, кириш ва чиқиш жойлари) ажратилади. Одамларнинг бинодаги ҳаракатланиш жараёни, айниқса, ёнғин ёки бирор табиий офат пайтида кескин масъулиятли тус олади. Бундай ҳолларда ҳаракатланишни тўғри таъминлаш одамлар ҳаётини сақлаб қолишга гаров бўла олади. Ҳар қандай хонада ҳам ёнғин содир бўлиш эҳтимоли мавжуд эканлигини инобатга олсак, барча хоналардан ва умуман бинодан одамларни хавфсиз жойга кўчириш учун эвакуатсия йўллари режалаштириш мажбурий тадбирлардан ҳисобланади.

**Ёнғинга қарши тўсиқлар** – ёнғинга қарши тўсиқлар ёнғин содир бўлган жойларда оловни бинонинг бошқа қисмларига тарқаб кетмаслигини таъминлаш учун хизмат қилади. улар умумий ва маҳаллий тўсиқлардан иборат бўлади. Умумий тўсиқлар оловни бинонинг ҳажми бўйича тарқалишидан муҳофаза қилади. Бундай тўсиқларга ёнғинга қарши деворлар ва юк кўтариш қобилиятига эга бўлган эшик ва деразасиз деворлар, томёпгич плиталар, ҳимоя ҳудудлари, сексиялар ва оралиқлар мисол бўлади. Тўсиқлар жойлашган ҳудудлар одатда тутундан ҳимоялагич, ҳаво сўргич мосламалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Баъзи ҳолларда қизиган ҳаво йўлини тўсиш мақсадида сув пардасини оқизиш йўли билан ҳам бино қисмларидаги ҳароратнинг кўтарилмаслигини таъминлаш мумкин. Маҳаллий тўсиқларга эса, бино ичидаги ўтда ёнмайдиган девор ва пардеворлар ҳамда бинонинг томида жойлашган ёнғинга қарши парпет тўсиқлар, шунингдек, шамоллатиш қурилмаларида ва ҳаво узатгич мосламаларида ўрнатиладиган шиббер ва тўсиқлар киради. Маҳаллий тўсиқларнинг вазифаси янғиннинг сирт бўйлаб чизиқли тарқалишига йўл қўймасликдан иборат. Ёнғинга қарши тўсиқлар сирт

бўйлаб чизиқли тарқалишига йўл қўймасликдан иборат. Йўнғинга қарши тўсиқлар ўзларининг ўтга чидамлилиқ хусусиятига эга.

**Ёнғинни ўчириш жиҳозлари ва воситалари** - Ўтни ўчириш деганда, ёниш учун зарур бўлган учта омилнинг бирини бартараф этиш йўлида қилинадиган ҳаракат тушунилади. Яъни ёнишни тўхтатиш учун қуйидаги ҳаракатларни бажариш керак бўлади:

- ёнғин ҳудудига кислород кириш йўлини тўсиш ёки ёнувчи модда миқдорини камайтириш, яъни тўсиқ қўйиш;

- ёнувчи манба ҳудудини ёки ёнаётган модда ҳароратини, иссиқликни ютадиган, аммо ўзи ёнмайдиган совутгич моддалар ёрдамида кескин пасайтириш, яъни совутиш;

- ёнувчи суюқ моддаларни ўтда ёнмайдиган моддалар (газ ёки сув) билан суюлтириш.

Амалиётда ёнғинни ўчиришда бу усуллarning дастлабки икkitаси, яъни ўтни ўчирувчи моддалар ёрдамида тўсиш ва совутиш усуллари кўпроқ қўлланилади. Ўтни ўчириш учун ишлатиладиган, оловда ёнмайдиган турли хилдаги моддалар, жумладан, сув, инерт газлардан карбон икки оксиди, азот, аргон, сув буғлари, кимёвий кўпиклар, гетероген кукунлар, галоген карбонводород совутгичлари ҳамда уларни узатиб берувчи ускуналар ва бошқалар ўт ўчириш воситалари бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда ўт ўчириш воситаси сифатида ёнғинни ўчиришда энг кўп ишлатиладигани сув ҳисобланади. Сувдаги ўтни ўчириш хусусиятлари - унинг юқори даражадаги иссиқликни ютувчанлиги (иссиқликни ютиш қобилияти 2260 кДж/кг), юқори ҳароратга чидамлилиги ва буғланганда ҳажми 700 мартаба кўпайиб кетиши билан белгиланади. Сув ўт ўчиришда энг қулай воситалардан ҳисобланади, чунки унда бир вақтнинг ўзида 3 та ҳислат, яъни совутиш, суюлтириш ва

тўсиш хусусиятлари мавжуд. Бунинг учун махсус ўр очиргичлардан фойдаланилади.

**Ёнғин даракчилари ва алоқа воситалари** – Ёнғиннинг олдини олиш ва унинг дахшатли асоратини камайтиришда даракчилари ёнғин хавфи юқори бўлган технологик жараёнларда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда орнатилади. Ёнғин даракчиси ва алоқа тизимининг вазифалари ёнғиндан огоҳлантиришга, ёнаётган ашё ёки объектни ўз вақтида билиб олишга, ўт ўчириш тизимини чақиришга ва ёнғин офатини бартараф этишга қаратилган. Ёнғин даракчилари ёнғин ўчоғини бошланиш жараёнида аниқлаш, унинг содир бўлган вақти ва жойини хабар қилиш учун ҳамда зарур бўлганда тутун сўргич ёки ўтни ўчирувчи ускуналари ишлашин автоматик тарзда бошқариш учун хизмат қилади. Ёнғин даракчилари тизими асосан ёнғиннинг дастлабки белгилари бўлмиш тутун, ёруғлик ёки у ердаги ҳароратни электр хабарларига айлантира оладиган хабарлагич мосламалардан иборат бўлади. Бу хабарлагич мосламалар алоқа тармоғига уланган бўлиб, қабул пунктига ўзига хос товуш ёки ёруғлик сигналлари орқали дарак беради ҳамда автоматик ўт ўчириш ва тутун ҳайдаш ускуналарини зудлик билан ишга туширишни таъминлайди. Ёнғин даракчилари ўзларининг ишлаш услубига биноан шартли равишда 4 та гуруҳга, яъни иссиқлик, ёруғлик, газ ва тутунда ишлайдиган турларга бўлинади.

## Хулоса

Ушбу битирув малакавий ишимда мен тадбиркорлик фаолиятига доир манбалар билан танишиб чиқдим. Ҳаммамизга маълумки бугунги кунда Республикамизда тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар яратилган бўлиб буларнинг ҳаммаси давлатимизнинг ертанги ривожланиш босқичининг юқори чўққиларини егаллашига хизмат қилади. Айниқса сўнги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ва тадбиркорларни қўллаб қувватлаш борасида қабул қилинаётган қарорларнинг моҳияти шуни кўрсатиб турибдики ривожланган давлатлар тажрибаси ўлароқ тадбиркорлик фаолияти ҳар бир давлатнинг иқтисодиётини жадал суръатларда ривожланишига олиб келадиган энг асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Жумладан, 2016 йил 29 декабр куни Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёв “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятига берилаётган етиборнинг нақадар муҳимлигини тушинишимиз мумкин.

Шу билан бир қаторда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб унга асосан иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-таомил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича стратегиялар белгилаб олинган.

Ўзбекистон почтаси аксиядорлик жамияти аксиядорларининг 2016 йил 30 июндаги умумий йиғилишининг 3-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон почтаси” аксиядорлик жамиятининг уставида почта алоқаси соҳасининг тадбиркорлик йўналишида кўрсатиши мумкин бўлган хизматлари келтириб ўтилган. Биз юқорида ушбу фаолият турига кирадиган хизматларни кўриб ўтган едик. Тадбиркорлик фаолиятини қисқача ўрганиб чиқишим натежасида қуйидаги тадбиркорлик фаолиятига тегишли бўлган хизмат турларини почта алоқасига ташкил етиш фойдадан холи бўлмайди деган фикрдаман:

турли хил қурилиш материаллари, хом-ашёларини сотиш;

буюртмаларга асосан ташкилот, корхона ва муассасаларга турли хилдаги бинолар қуриб бериш, ижарага бериш ҳамда сотиш;

автомашиналар учун ёқилғи қуйиш шаҳобчаларини очиш, ижарага бериш, сотиш;

Жамиятга тегишли бўлган транспорт воситаларини ижарага бериш, хизмат кўрсатиш, сотиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, сотиш ва сақлаш, улар билан бошқа операцияларни ўтказиш;

ускуна ва мол-мулк лизинги, прокат ёки ижарага берилиши;

қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан рухсат етилган тижорат ва воситачилик фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисоб рақамларидаги бўш пул маблағларни қўшимча даромад олиш мақсадида депозитларга қўйиш;

хусусий ва ташқи савдо тармоғи орқали нақд пулга ва пул ўтказиш ҳисоб-китоби бўйича тамаки маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ҳамда бошқа халқ истеъмоли маҳсулотларини улгуржи, майда улгуржи, чакана савдо орқали сотиш;

савдо-воситачилик фаолиятини ташкил етиш, маркетинг ва реклама хизматлари кўрсатиш;

глобал, локал ва ички компьютер тармоқлари коммуникация ҳамда алоқа воситалари, шу жумладан интернет соҳасида провайдерлик ва операторлик фаолияти;

радио, телефон, телевизор, компьютерларни таъмирлаш устахоналарини очиш ҳамда уларни таъмирлаш;

риелторлик фаолияти, кўчмас мулк объектлари, ускуналар ва мулкни сотиб олиш, эксплуатация қилиш, ижарага бериш ва сотиш;

автомобилларни таъмирлаш хизматини ташкил етиш ва амалга ошириш, автомобиллар, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа техникаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;

лотереялар таъсис етиш, чоп етиш, сотиш ҳамда лотерея ва кўрик-танловларни ўтказиш;

улгуржи ва чакана савдо;

автомобил транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш (Логистика хизмати);

аудиовизуал асарларни, фонограммаларни ва ЕХМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, реализация қилиш, прокатга бериш;

турли ташкилотлар фойдасига тўловларни қабул қилиш (ДСИ мисол);

авиа – темир йўл чипталарини сотиш ва Жамият қонунчилиги билан тақиқланмаган, шу жумладан Уставда кўрсатилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Махсус рухсат (лицензия)ни талаб қиладиган фаолиятнинг алоҳида турлари билан Жамият фақат лицензияни олгандан сўнггина шуғулланишга ҳақлидир. Юқорида кўриб ўтганимиздек почта алоқаси корхоналари тадбиркорлик соҳасида кўрсатиши мумкин бўлган бир қанча фаолиятлар келтириб ўтилган.

Ушбу фаолиятларни амалга ошириш учун энг аввало чуқур ўйланган маркетинг тадқиқотларини олиб бориш зарур бўлади. Биламизки, почта алоқаси тармоқлари бутун Республика ҳудудида ёйилган бу почта

алоқасининг имкониятларини оширишга хизмат қилади. Бу кенг ёйилган тармоқлардан самарали фойдаланиш учун албатта жамият имкониятларини чуқур муҳокама қилган ҳолда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда тадбиркорлик соҳасида ушбу фаолиятларни амалга қўллаш орқали жамият даромадини ва ишчи кучини ошириш мумкин.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**